2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 223 (1822), 2026 йил 28 октябрь, чоршанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ЗАМОНАВИЙ СТАНДАРТЛАРГА АСОСЛАНГАН ТИББИЁТИМИЗДА ШИФОКОР ШАРАФИ ЯНАДА ЮКСАЛАДИ

Президентимиз 27 октябрь куни Кўксарой қароргоҳида тиббиёт ва фармацевтика соҳаси ходимлари билан учрашиб, самимий мулоқот қилди, бир гуруҳ соҳа ходимларига давлат мукофотларини топширди.





Саломатлик, шубҳасиз, инсон учун энг бебаҳо бойлик. Бу ортиқча изоҳ ёки исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Зеро, инсон ҳаётида соғлиқнинг ўрни беқиёс. Жамият ривожи, мамлакат тараққиётида ҳам бу омил марказий ўрин эгаллайди. Шу боис, мамлакатимизда кейинги йилларда аҳоли саломатлигини таъминлаш йўлидаги ислоҳотлар кенг қулоч ёйди. Аниқ мақсадли ва манзилли ишлар жадаллашди. Умуман, соғлиқни сақлаш тизимини замон талабларига мос ислоҳ қилиш янги Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бинобарин, Президентимиз алоҳида қайд этганидек, **“Янги Ўзбекистон, аввало, инсон ҳаёти, унинг саломатлиги, ҳуқуқ ва манфаатлари, қадр-қиммати қонун асосида ҳимоя қилинадиган давлат дегани”.**

Давлатимиз раҳбари тантанали тадбирда йиғилганларни яқинлашиб келаётган касб байрами билан табриклаб, инсон саломатлигини асраш йўлидаги меҳнати учун миннатдорлик билдирди.

— **Оиласининг бахтини кўриш, ҳалол меҳнат қилиб, орзуларига етиш, умрини мазмунли ўтказиш учун одамга, аввало, соғлиқ керак. Шу боис, инсон саломатлигини асрашни ислоҳотларимизнинг энг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиладик,** — деди Президентимиз.

Гап мамлакатимиз тиббиётидаги ўзгаришлар, унинг юртдошларимиз саломатлигини асрашдаги ўрни ҳақида борар экан, беихтиёр киши ўзи, яқинлари ёки танишлари мисолида бугунги тиббий хизматни кечаги ҳолати билан таққослайверади. Буйрак, жигар трансплантацияси, юракка стент қўйиш каби мураккаб жарроҳлик амалиётини қўя туринг, ҳар биримизнинг оддий тиббий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ҳеч бўлмаганда биттадан ҳикоямиз бор.

Давоми 2-бетда

“ЎЗИНГГА ИШОН! ЎЗ УСТИНГДА ИШЛА! ЎЗ ЮРТИНГГА МУНОСИБ БЎЛ!” — ҲАР БИР ЁШ СПОРТЧИНИНГ ҲАЁТИЙ ШИОРИ ШУНДАЙ

Олимпия шаҳарчасида Президент олимпиадасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Янги Ўзбекистон. Олти-етти йил нари-берисида аввал мамлакатимизда, айни пайтга келиб, дунё сиёсий майдонида, глобал иқтисодий маконда баралла янграётган ушбу ном фақат миллий ғурур тимсоли эмас, балки ундан кенгроқ маъноға эга. Зотан, ушбу ғоя асосида кейинги йилларда ислоҳотлар туфайли мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксалиш баробарида, халқона айтганда, халқимиз бағрига шамол тегди.

Мамлакатимизда янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлидаги шиддатли ислоҳотлар ҳеч бир соҳани четлаб ўтмади. Спортимизда кечаётган янгиланишлар ва қўлга киритилаётган ютуқлар бунга яққол мисол.

Хусусан, кейинги йилларда Ўзбекистон спортида тарихий ютуқларга эришилди. Биргина Парижда ўтган олимпия ва паралимпия ўйинларини олайлик. Бутун дунё спорт ишқибозлари кузатиб борган нуфузли мусобақада вакилларимиз чинакам жасорат кўрсатиб, 13-ўринни эгаллади. Ёки халқимиз 34 йил кутган тарихий воқеа — футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси илк бор жаҳон чемпионатида иштирок этгани ҳам ана шу зафарли одимларимизга ёрқин далилдир.

Асосийси, спортчиларимиз ҳар йили, ҳар бир мусобақада янгидан янги рекордлар ўрнатиб, тарих ёзмоқда. Яқинда Самарқандда ўтказилган жаҳон шахмат олимпиадасида йигитларимиз ғолиб бўлгани, Японияда ўтган XX ёзги Осиё ўйинларида Ўзбекистон терма жамоаси 21 олтин, 25 кумуш ва 24 бронза медаль билан умумжамоа ҳисобида бешинчи ўринни эгаллагани, ушбу мусобақада оғир атлетикачимиз Акбар Жўраев даст кўтаришда 197 килограмм натижа қайд этиб, жаҳон рекордини янгилагани, иқтидорли боксчимиз Абдумалик Ҳалоков, енгил атлетикачимиз Шарифа Давронова икки карра, бадиий гимнастикачимиз Тахмина Икромова эса уч карра чемпион бўлгани ҳам фикримиз тасдиғидир.

Ёки шов-шуви ҳали тиниб улгурмаган параосиё ўйинларига назар солайлик. Параспортчиларимиз мислсиз матонати ва жасорати билан эришган натижа ҳар қанча таҳсинга сазовор. Бинобарин, улар 45 олтин, 49 кумуш ва 51 бронза медаль билан умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллади.

Албатта, бунда спортчиларимизнинг мардлиги, юксак маҳорати ва сўнмас иродаси муҳим аҳамият касб этди. Аммо ушбу ютуқларнинг замирида бошқа бир жиҳат — спорт соҳасида йўлга қўйилган янги тизим, ҳаётга татбиқ этилаётган турли лойиҳалар самараси турибди. Президент олимпиадаси ҳам ана шундай янгиликлардан.

Байрамона безатилган стадионга ҳудудий терма жамоалар, Осиё ва параосиё ўйинлари ғолиблари саф тортиб чиқди.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ II ПРЕЗИДЕНТ ОЛИМПИАДАСИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Қадрли спортчи ўғил-қизларим!

Ҳурматли мураббийлар, спорт фидойилари!

Барчангизни иккинчи бор ўтказилаётган Президент Олимпиадасининг очилиши билан чин қалбимдан табриклайман.

Бугун мана шу муҳташам мажмуада кўзида шижоат, қалбида катта орзулар билан юртимизнинг турли ҳудудларидан келган минглаб спортчи ёшларимизни кўриб турганимдан хурсандман.

Ҳар биringиз бу майдонга Ўз орзуингиз, Ўз мақсадингиз, энг асосийси, ғалабага бўлган катта ишончингиз билан келгансиз.

Бугун бошланаётган беллашувларда 3,5 мингдан зиёд ёшлар олимпия ва паралимпия йўналишидаги 26 та спорт тури бўйича куч синашади. Уларга 1,5 минг мураббий ҳамроҳлик қилади.

Ишонаман, бу ерда беллашаётган ёшлар орасидан ҳам эртага дунёни ҳайратга соладиган чемпионлар, рекордчилар, албатта, чиқади.

Азиз дўстлар!

Биз сўнгги йилларда оммавий спортдан — профессионал спортгача, иқтидорларни саралашдан — халқаро мусобақаларга тайёрлашгача бўлган яхлит тизим яратдик.

Бу ишлар замирида фарзандларимизни соғлом, иродали ва мустақил фикрлайдиган инсон этиб тарбиялашга бўлган интилишимиз мужассам.

Бугун юртимизда яратилган имкониятлар қандай натижа бераётганини халқаро майдонлардаги ғалабалар яққол кўрсатмоқда.

Ўтган ўн йилда спортчиларимиз йирик халқаро мусобақаларда 5 минг 518 та медални қўлга киритди, шунинг 1 минг 675 таси олтин медалдир.

Бу — аввалги ўн йилликка нисбатан 3 карра кўп.

Айниқса, бу медалларнинг учдан бири спортчи қизларимиз ҳиссасига тўғри келаётгани барчамизни қувонтиради.

Яқинда Самарқандда ўтказилган Бутунжаҳон шахмат Олимпиадасида йигитларимиз иккинчи бор ғолиб бўлгани шахматимиз тарихида алоҳида саҳифа очди.

Японияда ўтган XX ёзги Осиё ўйинларида эса терма жамоамиз 21 та олтин, 25 та кумуш ва 24 та бронза — жами 70 та медаль билан умумжамоа ҳисобида 5 ўринни эгаллади.

Бу мусобақаларда оғир атлетикачимиз Акбар Жўраев 197 килограммлик тошни даст кўтариб, жаҳон рекордини янгилади.

Боксчимиз Абдумалик Ҳалоков, енгил атлетикачимиз Шарифа Давронова икки карра, бадиий гимнастикачимиз Тахмина Икромова эса уч карра чемпионлик шоҳсупасига кўтарилди.

Музаффар Тўрабоев — дзюдонинг ватани Японияда мезбонлар вакилини финалда енгиб, олтин медаль олгани катта маҳорат намунасидир.

Ўткир Жўраев — спорт гимнастикасининг дастакли от йўналишида Ўзбекистонга Осиё ўйинларидаги илк олтин медални келтирди.

Давоми 2-бетда



1

Сўнгги пайтларда Қудратилла Рафиқовнинг ҳар бир чиқиши — мақола ва эсселари сиёсий майдонда, ўзбек журналистлари орасида ўзига хос “силкиниш — зилзила” ва гўзал “шов-шув”лар пайдо қилаётир. Ҳар бир ўзбекистонлик — ўзбек юрагида кенг акс садо берадиган бундай “шов-шув”ларга ўргандик ва ҳатто кутадиган ҳам бўлдик. Кечаги эсседа сиёсатшунос-адиб мазкур ҳақиқатни яна бир карра намоён этди.

Олдиндан огоҳлантириб қўяй, бу эссени шунчаки ўқиб бўлмайди. Уни қўлга қалам олиб, ҳар жумла ва ҳар фикр атрофида чуқур ўйга толиб, мулоҳаза ва тафаккур қилмаган киши эссенинг туб маъноси — илдизига етолмайди. Гап унда биз учун сал бегонадек туюлган хорижий ва техник иборалар, терминларнинг кўплигидагина эмас. Асар одамзод руҳиятидаги, жамият қатламларидаги мураккаб эврилиш жараёнлари, миллат номли улуғ қавмни уйғотиш машаққатлари ҳақида эканидадир. Зеро, осмонўпар иморатлар бунёд этиш, сершовқин дарёлар очиш мумкин, албатта. Аммо миллат ва жамият вужудидаги мудроқ булоқларнинг кўзини очиш ҳеч қачон осон бўлган эмас.

Давоми 3-бетда

“Қанча замонавий клиникалар қурмайлик, энг сўнгги ускуналарни олиб бермайлик, малакали ходимларсиз натижа бўлмайди”. Мамлакатимиз етакчиси ушбу таъкид орқали соҳадаги навбатдаги масалага йиғилганлар эътиборини қаратди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 28 октябрь, 223-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ II ПРЕЗИДЕНТ ОЛИМПИАДАСИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Аминман, бундай натижалар ёшларимизда “уддалаш мумкин бўлмаган марранинг ўзи йўқ”, деган ишончни, албатта, уйғотади.

Қадрли юртдошлар!

Бугун параспортчи ўғил-қизларимизнинг матонати ва жасоратини ҳам алоҳида эътироф этмоқчиман. Улар куни кеча якунланган Параосиё ўйинларида нималарга қодир эканини яна бир бор намойиш этиб, 45 та олтин, 49 та кумуш ва 51 та бронза — жами 145 та медаль билан умумжамоа ҳисобида 3 ўринни эгаллади.

Пауэрлифтингчи қизимиз Рўза Қўзиева олтин медални қўлга киритиш билан бирга жаҳон рекордини ўрнатди.

Лолахон Қодирова — сузиш баҳсларида, Мадина Мухторова ва Каромат Омонова — ядро улоқтиришда, Шахина Йигиталиева — найза улоқтиришда, Наврўза Ахматова — диск улоқтиришда Осиё рекордларини янгилагани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлади.

Егор Болотов тўртта, Хуршид Қодиров учта олтин медални қўлга киритгани алоҳида таҳсинга лойиқдир.

Асила Мирзаёрова узунликка сакраш бўйича Параосиё ўйинлари рекордини янгилаб, иккинчи маротаба Осиёда тенгсиз эканини барчага исботлади.

Қувонарлиси, Асила Мирзаёрова Осиё паралимпия қўмитасининг 2026-2030 йиллар учун спортчилар қўмитаси аъзоси этиб сайланди.

Бу ҳам ўзбек спорти халқаро миқёсда эътироф этилаётганининг амалий намунасидир.

Мусобақа мезбони Нагоя мэри Ичиро Хиросава спортчиларимиз ҳақида фикр билдириб, “Ўзбеклар нафақат ҳалол кураши ва рақибга ҳурмати, балки майдон ташқарисидаги одоби ва намунавий хулқи билан ажралиб тургани”ни алоҳида қайд этди.

Бу юксак эътироф — ўзлигимизнинг ёрқин мисоли.

Фурсатдан фойдаланиб, барча спортчиларимизга, уларнинг устоз ва мураббийларига, фарзандининг орзусига ишониб, доимо ёнида турган ота-оналарга самимий миннатдорлик билдираман.

Азиз дўстлар!

Янги Ўзбекистон — дунёнинг нуфузли мусобақалари ўтказиладиган халқаро спорт марказига айланиб бормоқда.

Сўнгги тўрт йилда юртимизда жаҳон ва Осиё миқёсидаги 20 га яқин йирик мусобақа ташкил этилди.

Келгуси йил сентябрь-октябрь ойларида Ўзбекистон Озарбайжон билан бирга илк бор 20 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги жаҳон чемпионатига мезбонлик қилади.

Албатта, бундай мусобақаларни ўтказиш биз учун катта шараф, шу билан бирга, улкан масъулиятдир.

Энг муҳими, ёшларимиз дунёнинг энг кучли спортчилари билан ёнма-ён беллашиш, ўз олдига янада юксак мақсадлар қўйиш имконига эга бўлади.

Азиз ўғил-қизларим!

Бугун сизларга қараб, Ўзбекистон спортининг ёрқин келажагини кўриб турибман.

Албатта, чемпионликка олиб борадиган йўл осон эмас. Кучли ирода ва темир интизом билан фақат ва фақат олдинга интилган ҳар бир инсон ғалабага эришади.

Биз илгари сураётган “Ўз” ғоясининг асл мақсади ва мазмун-моҳияти ҳам шу!

Ўзингга ишон!

Ўз устингда ишла!

Ўз юртингга муносиб бўл!

Бу сўзлар ҳар бирингизнинг ҳаётий шиорингизга айлансин!

Шуни унутманглар, халқаро майдонда Ўзбекистон байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янграганида, бутун халқимиз сизлар билан ғурурланади.

Бундай бахтга эришиш ҳар бирингизга насиб қилсин!

Биз эса, ўз олдига катта мақсад қўйган ҳар бир ёш спортчини қўллаб-қувватлашга тайёрмиз.

Шу мақсадда бугун Президент Олимпиадаси иштирокчилари учун янги имконият ва рағбатларни эълон қилмоқчиман.

Биринчидан, Президент Олимпиадаси ғолиб ва совриндорлари учун пул мукофотларини келаси йилдан 2,5 баравар оширамиз. Энди биринчи ўрин соҳибларига 25 миллион сўм, иккинчи ўрин учун 12 миллион сўм, учинчи ўрин учун эса 6 миллион сўм берилади.

Иккинчидан, спортдаги ютуқлар таълим олишингиз учун ҳам янги имконият очади.

Бундан буён олимпиадада ғолиб бўлиб, Ўзбекистон рекордини янгилаган мактаб битирувчилари олийгоҳларнинг спорт йўналишларига имтиҳонсиз, давлат гранти асосида қабул қилинади.

Учинчидан, келгусида Президент Олимпиадаси дастуридаги спорт турларини 35 тага етказамиз.

Ёш тоифасини ҳам кенгайтириб, мусобақани 14 ёшдан 17 ёшгача бўлган ўқувчилар ўртасида ўтказамиз.

Тўртинчидан, иқтидорли ёшларнинг хорижда тажриба орттиришини янада қўллаб-қувватлаймиз.

Ҳар йили Президент Олимпиадаси ғолибларидан 50 нафарини хорижда ўтказиладиган халқаро йиғинларга юборамиз.

Бешинчидан, келаси йилдан Президент Олимпиадаси ғолибларига бир йиллик стипендия беришни бошлаймиз.

Олтинчидан, чемпионларни тарбиялаётган спорт мактабларини муносиб рағбатлантирамиз.

Ўз йўналишида энг яхши натижага эришган спорт мактаби зарур жиҳозлар билан таъминланади.

Яна бир янгилик — пойтахтдаги Олимпия шон-шуҳрати музейини Олимпия шаҳарчасига кўчирамиз. Ана шунда, ёш спортчиларимиз ҳар куни чемпионларимизнинг тарихини кўриб, уларнинг ютуқларидан руҳланиб, янги ғалабаларга интилиб яшайди.

Қадрли фарзандларим!

Бугун сизлар учун янги имкониятлар очилмоқда. Уларни тинимсиз изланиш, қатъий интизом ва юксак билим билан катта натижаларга айлантиринг!

Мусобақа майдонида муносиб рақиб, ҳаётда эса яхши дўст бўлинг!

Ота-она ва устозларингизни ҳамиша қадрланг!

Ҳалол беллашинг, дадил олдинга интилинг!

Ғалабангиз оилангизга, маҳаллангизга ва бутун юртимизга қувонч олиб келсин!

Барчангизга шу йўлда мустаҳкам соғлиқ, куч-қувват ва омад тилайман.

2026 йилги Президент Олимпиадасини очиқ деб эълон қиламан!

Олға Янги Ўзбекистон!

Олға Ўзбекистон ёшлари!

Олға ўзбек халқи!

“ЎЗИНГГА ИШОН! ЎЗ УСТИНГДА ИШЛА! ЎЗ ЮРТИНГГА МУНОСИБ БЎЛ!” – ҲАР БИР ЁШ СПОРТЧИНИНГ ҲАЁТИЙ ШИОРИ ШУНДАЙ



Бошланиши 1-бетда

— Ўзингга ишон! Ўз устингда ишла! Ўз юртингга муносиб бўл! Бу сўзлар ҳар бирингизнинг ҳаётий шиорингизга айлансин, — деди давлатимиз раҳбари.

Тантанали очилиш маросимида Президент олимпиадаси иштирокчилари учун янги имконият ва рағбатлар эълон қилинди. Жумладан, келаси йилдан ғолиб ва совриндорлар учун пул мукофоти 2,5 баравар ошириладиган бўлди. Яъни биринчи ўрин соҳибларига 25 миллион сўм, иккинчи ўринни қўлга киритганларга 12 миллион сўм, учинчи ўрин учун эса 6 миллион сўм берилади.

Рағбатлар фақат пул мукофотидан иборат эмас. Хусусан, энди мусобақада ғолиб бўлиб, Ўзбекистон рекордини янгилаган мактаб битирувчилари олий таълим муассасаларининг спорт йўналишига имтиҳонсиз, давлат гранти асосида қабул қилинади. Келгусида спорт турлари 35 тага етказилиб, унда 14 ёшдан 17 ёшгача бўлган ўқувчилар қатнашади.

Бундан ташқари, ҳар йили олимпиада ғолибларидан 50 нафари хориждаги халқаро ўқув-машғулот йиғинларига юборилади. Келаси йилдан ғолибларга бир йиллик стипендия тайинланади. Ўз йўналишида энг яхши натижага эришган спорт мактаблари зарур жиҳозлар билан таъминланади.

> **Тантанали очилиш маросимида Президент олимпиадаси иштирокчилари учун янги имконият ва рағбатлар эълон қилинди. Жумладан, келаси йилдан ғолиб ва совриндорлар учун пул мукофоти 2,5 баравар ошириладиган бўлди. Яъни биринчи ўрин соҳибларига 25 миллион сўм, иккинчи ўринни қўлга киритганларга 12 миллион сўм, учинчи ўрин учун эса 6 миллион сўм берилади.**

Шунингдек, пойтахтдаги Олимпия шон-шуҳрати музейи Олимпия шаҳарчасига кўчирилади. Бу ёш спортчиларга чемпионларимиз тарихи ва ютуқлари билан яқиндан танишиш имконини беради.

Президентимиз ёшларни очилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиш, ҳалол беллашиш, ота-она ва устозларини қадрлашга даъват этди. Чунки Президент олимпиадаси янги Ўзбекистон юлдузлари кашф этиладиган маҳорат майдонидир.

Шундан сўнг мамлакатимиз етакчиси 2026 йилги Президент олимпиадасини очиқ деб эълон қилди. Давлатимиз мадҳияси янгради.

Маросим концерт дастури билан давом этди. Тадбир якунида Ўзбекистон номини дунёга танитаётган спортчиларимиз томонидан Президент олимпиадаси машъаласи ёқилди.

Давлатимиз раҳбари иштирокчиларни иккинчи бор ўтказилаётган Президент олимпиадаси билан табриклади.

Шу ўринда ушбу мусобақанинг ташкил этилиши заруратига назар ташласак. Президентимизнинг 2025 йил 8 июлдаги “2028 йил Лос-Анжелес шаҳрида (АҚШ) бўлиб ўтадиган XXXIV ёзги Олимпия ва XVIII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида”ги қарори бунга ҳуқуқий асос бўлди. Бундан кўзланган асосий мақсад — олимпия ўйинларида спортчиларимизнинг ҳар томонлама муваффақиятли иштирокини таъминлаш, бунинг учун иқтидорли спортчилар захирасини кенгайтириш.

Ўтган йил 26 ноябрдан 3 декабргача Олимпия шаҳарчасидаги стадионда биринчиси маротаба Президент олимпиадаси ўтказилганди. Унда ҳудудий саралаш мусобақаларидан муваффақиятли ўтган спортчилар куч синашди.

2026 йилги мавсум эса янада кенг кўламда ташкил этилиб, беллашувларда 3500 дан зиёд ёш спортчи олимпия ва паралимпия йўналишида спортнинг 26 тури бўйича куч синашади. Уларга 1500 мураббий ҳамроҳлик қилмоқда.

Президентимиз мамлакатимизда оммавий спортдан профессионал спортгача, иқтидорлиларни саралашдан халқаро мусобақаларга тайёрлашгача бўлган яхлит тизим яратилганини таъкидлади. Спортдаги шу каби тизимли ислоҳотлар натижасида ўтган ўн йилда ўзбекистонлик спортчилар йирик халқаро мусобақаларда 5518 та, жумладан, 1675 та олтин медални қўлга киритди. Бу аввалги ўн йилликка нисбатан уч баравар кўп экани, айниқса, медалларнинг ҳар учтадан биттаси спортчи қизларимиз ҳиссасига тўғри келаётгани алоҳида эътирофга муносиб.

Давлатимиз раҳбари спортчилар, уларнинг устоз ва мураббийлари ҳамда фарзандларининг орзусини қўллаб-қувватлаб келаётган ота-оналарга миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон йирик халқаро мусобақалар ўтказиладиган спорт марказига айланиб бормоқда. Сўнгги тўрт йилда мамлакатимизда жаҳон ва Осиё миқёсидаги 20 га яқин мусобақа ташкил этилди. Келгуси йил сентябрь-октябрь ойларида Ўзбекистон Озарбайжон билан бирга 20 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги жаҳон чемпионатига илк бор мезбонлик қилади.

Президентимиз ёш спортчиларга мурожаат қилиб, юксак натижага кучли ирода, интизом ва тинимсиз меҳнат билан эришилишини таъкидлади.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ЗАМОНАВИЙ СТАНДАРТЛАРГА АСОСЛАНГАН ТИББИЁТИМИЗДА ШИФОКОР ШАРАФИ ЯНАДА ЮКСАЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Учрашувда ана шундай хотиралардан бири ёдга олинди. Аниқроғи, Ўзбекистон Қаҳрамони Раҳмон Муҳаммадиев ўзининг поликлиника бош шифокори бўлган пайтларини эслаб, жумладан, бундай деди: “Ичида бирорта ҳам асбоб йўқ эди, стол-стул қўйиш, битта кушеткани топиш ҳам машаққат бўлган. Шифокор билан ҳамшира ўтирса, беморга жой йўқ, бемор ўтирса, шифокорга жой йўқ эди. Шуни ҳам яхши деб юрган эканмиз.

Бугун тумандаги поликлиникалар Тошкент шаҳридаги поликлиникалар билан теппа тенг хизмат кўрсатмоқда... Туман ва вилоятлардаги кўп тармоқли тиббиёт марказларида минглаб юрак ва мия операциялари, буйрак трансплантацияси, бўғим алмаштириш амалиёти одатий ҳолга айланган...”.

> **Бугун бу фикрларни баралла, қатъий ишонч билан айтиш осон. Лекин соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш катта маблағ ва вақт талаб қилиши заруратидан келиб чиқсак, бу даражага эришиш осон кечмагани аёнлашади.**

Ҳақиқатан, бунинг замирида заҳматли меҳнат, пандемия ва унинг таъсиридаги иқтисодий танглиққа қарамай, соҳа ривожи йўлида катта маблағ ажратилиши билан боғлиқ қабул қилинган оқилона қарорлар турибди. Сўнгги йилларда тиббиёт соҳасига йўналтирилаётган маблағ ҳажми 6-7 баробар ошгани ҳам фикримиз тасдиғидир.

Халқи соғлом давлатнинг илдизи мустаҳкам, келажаги порлоқ, тараққиёти бардавом бўлади. Шу маънода, тиббиёт ривожига йўналтирилган маблағ ҳеч қачон самарасиз кетмайди. У ҳам бевосита, ҳам билвосита жамият ва давлат тараққиётига замин яратади.

Шунинг учун тиббиётдан пул тежалмаяпти. Барча имконият ишга солинмоқда. Ҳажми тизимли ортиб бораётган маблағ ҳисобидан сўнгги ўн йилда 10 миллион кишига хизмат кўрсатадиган янги поликлиника ва шифохоналар ишга туширилди, 58 минг шифо ўрни очилди. Замонавий муассасалар кўпайиши ва хусусий сектор ривожланиши натижасида тиббий хизмат ҳажми уч карра ошди. Илгари фақат чет элда бажарилган туғма юрак нуқсонларини даволаш, аъзолар трансплантацияси, робот жарроҳлиги ва бош миядаги мураккаб амалиётлар каби юздан зиёд хизмат бугун мамлакатимизда кўрсатилмоқда.

Фармацевтика аҳоли саломатлигини таъминлашда муҳим йўналишлардан. Мамлакатимизда ушбу тармоқ ривожига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Асосий мақсад — дори-дармон маҳсулотларига эҳтиёжнинг 70 фоизини ички имконият ҳисобидан қоплаш. Айни мақсад йўлида кейинги йилларда 1 миллиард долларлик 330 та янги фармацевтика қуввати ишга туширилди. Айниқса, ҳудудларда фармацевтика эркин иқтисодий зоналари ташкил этилиб, уларда 1 миллиард 200 миллион долларлик лойиҳалар амалга оширилаётгани аҳолини сифатли дори-дармон билан таъминлаш баробарида валюта тушумини сақлаб қолиш нуқтаи назаридан ҳам муҳим бўлмоқда.

Президентимиз бу ўзгаришларда 800 мингдан зиёд тиббиёт ва фармацевтика ходимининг муносиб ҳиссаси борлигини таъкидлади.

Шу йил 26 октябрь куни мамлакатимиз етакчиси соҳа фидойиларининг бир гуруҳини давлат мукофотлари билан тақдирлаш тўғрисидаги фармонни имзолаган эди. Учрашувда орден ва медаллар ўз эгаларига тантанали топширилди.

Давлатимиз раҳбари инсон саломатлигини асраш, илғор илмий ишланмалар ва даволаш усулларини жорий этишда бошқаларга ўрнак бўлаётган тиббиёт ходимлари учун “Ибн Сино” орденини таъсис этишни таклиф қилди.

Учрашувда бирламчи тиббий ёрдам сифатини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бу бежиз эмас, албатта. Буюк табиб ва мутафаккир бобомиз Абу Али ибн Сино тиббиёт соҳаси касалликни даволашдан кўра, олдини олишга кўпроқ эътибор қаратиши зарурлигини қайд этган. Бугун тиббиётимизда кузатилаётган энг асосий ютуқлардан бири ҳам шунда: шифохоналарга асосланган эски моделдан касалликларнинг олдини олиш ва рақамлаштирилган тиббиёт босқичига ўтиляпти.

Ушбу йўналишдаги ислоҳотлар доирасида 28 та туманда янги тизим синовдан ўтказилди. Унинг доирасида 7 миллион киши оилавий шифокорларга номма-ном бириктирилди. Янги тизим моҳияти фақат рўйхат тузиб, аҳолини шифокорларга бириктиришдан иборат эмас. Унинг доирасида замонавий лабораториялар ишга туширилди, шифокор ва ҳамшираларга ўқитилди, беморларнинг тиббий ёрдам олиш тартиби белгиланди. Бундан ташқари, кафолатланган тиббий хизматлар тўплами доирасида амбулатор беморларга 69 турдаги дори-дармон бепул берилмоқда. Янги тизим самарадорлигидан келиб чиқиб, келаси йилдан ушбу модель яна 100 та туманда жорий этилади.

Учрашувда қайд этилган асосий янгиликлардан бири шуки, касалликларнинг олдини олиш ва уларни эрта аниқлаш ишлари кенгайтирилади. Бу борада ошқозон, йўғон ичак, простата бези ва ўпка саратонини эрта аниқлаш ишлари Самарқанддан бошланиб, 2028 йилдан барча ҳудудда йўлга қўйилади. Қандли диабет, сил, юрак-қон томир касалликлари, аёллардаги ўсмалар ва болалардаги онкогематологик хасталикларни эрта аниқлаш дастурлари давом эттирилади.

Тошкент шаҳри, Андижон, Наманган, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида инфаркт ва инсультни эрта аниқлаш ҳамда даволаш дастури муваффақиятли амалга оширилди. Натижада ушбу касалликлардан эрта ўлим беш ойда 15 фоиз камайди. Касаллик бошланишидаги “олтин соат”да 855 инсон эрта ўлим ва ногиронлик асоратларидан сақлаб қолинди.

Шу боис, дастур келаси йилдан барча туман ва шаҳарларда татбиқ этилади. Аҳоли учун бепул бериладиган дори-дармонлар тури 73 тага, тиббий текширувлар тури 36 тага етказилади.

Учрашувда “Янги Ўзбекистон тиббиёт стандартлари” жорий этилиши, таълим, қурилиш, санитария-гигиена, беморлар хавфсизлиги ва ходимлар маданиятини қамраб олувчи бирламчи бўғин ходимлари босқичма-босқич махсус кийим-кечак билан бепул таъминланиши қайд этилди. Энди намунали ҳудудлардаги шифокор ва ҳамшираларни рағбатлантириш ишлари ҳам кенгайтирилади. Вилоят бўйича энг яхши деб топилган 14 шифокор электромобиль билан тақдирланади. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қиладиган энг яхши ўнта лойиҳа муаллифига 200 миллион сўмдан грант берилади.

“Қанча замонавий клиникалар қурмайлик, энг сўнгги ускуналарни олиб бермайлик, малакали ходимларсиз натижа бўлмайди”. Мамлакатимиз етакчиси ушбу таъкид орқали соҳадаги навбатдаги масалага йиғилганлар эътиборини қаратди.

Ҳозир 11 та давлат олийгоҳида йилига 15 минг шифокор тайёрланмоқда. Келаси йилдан талабалар ҳафтада уч кун бемор билан ишлашни ўрганади. Битирувчилар эса охирги ўқув йилини тўлиқ тиббиёт муассасасида амалиётда ўтказади. Бакалавриатни битирган ҳамшира ва тиббиёт оғасига 1,5 миллион сўм, магистратурани тугатганларга 2,5 миллион сўм қўшимча устама тўланади. 2027 йилдан тор соҳа мутахассисликлари бўйича резидентурада ўқиш бепул бўлади.

Тиббиёт ходимларининг малакасини оширишга хусусий сектор ҳам жалб қилинади. Янги тиббиёт муассасалари аҳоли сони ва ҳудудларнинг жойлашувидан келиб чиқиб, мастер-режа асосида ташкил этилади. Давлат шифохоналарида тадбиркорларга замонавий ускуналар ўрнатиш учун жой ажратилиб, кўрсатилган хизматларга суғурта тизими орқали ҳақ тўланади. Гемодиализ, лаборатория, стерилизация, реабилитация ва физиотерапия хизматларини хусусий сектордан харид қилиш кенгайтирилади.

> **Келаси йили ҳар бир ҳудудга камида 150 миллион доллар инвестиция ва грант жалб қилиш бўйича вазифалар белгиланди. Геномика, ҳужайра ва биотехнологиялар ривожланиши билан бирга тиббий тадқиқотларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш зарурлиги таъкидланди.**

Ихтисослашган марказлар тажрибасини ҳудудларга етказиш мақсадида жарроҳ, анестезиолог, реаниматолог, ассистент ва ҳамширалардан иборат яхлит жамоалар жойларга юборилади. Ҳудудлардаги тиббиёт гуруҳлари эса марказларда уч-тўрт ойлик стажировкадан ўтади.

Учрашувда тиббиёт ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари эълон қилинди. Соҳада камида 15 йил ишлаган ходимлар ипотека кредитининг бир қисмини қоплаш учун 50 миллиард сўм ажратилади. Натижада келгуси йилнинг ўзида шу имконият орқали минг нафар тиббиёт ходими янги уйга кўчиб ўтади. Бундан ташқари, ҳар йили 500 нафар ёш ходимнинг ипотека кредити бошланғич бадалининг 25 фоизи қоплаб берилади. Олис ҳудудларда ишлайдиган шифокорларнинг ойлик қўшимча устамаси 4,5 миллион сўмга оширилиб, у ерда иш бошлаганларга 50 миллион сўм бир марталик рағбат пули берилади.

Хориж клиникаларида тажриба орттирган ватандош шифокорларни мамлакатимизга жалб этиш учун ҳам янги тизим йўлга қўйилади. Хусусан, уларга 50 миллион сўмгача ойлик устама тўланади, замонавий ускуналар билан жиҳозланган иш жойи ва ўз жамоасини шакллантириш имконияти яратилади.

Учрашувда соҳа вакилларининг таклиф ва ташаббуслари тингланди. Мамлакатимиз етакчиси иштирокчиларга юзланар экан, **“ЎЗ”** ғояси замиридаги дахлдорлик туйғуси шифокорлар фаолиятининг ҳам асосий ўзаги бўлиши лозимлигига эътибор қаратди.

Кўксоройда бўлиб ўтган учрашувда соҳа вакиллари ва шифокорлар, умуман, тизимга доир жуда кўплаб фикрлар билдирилди, ташаббуслар илгари сурилди, режалар айтилди. Улар бир қарашда фақат ушбу соҳага тааллуқлидай туюлади. Лекин шуниси аниққи, уларнинг барчаси халқимиз фаровонлиги ва мамлакатимиз тараққиётига боғлиқ. Бугун мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳаси тубдан ислоҳ қилиниб, миқдордан сифат ва назорат босқичига ўтаётгани ислоҳотлар аҳамиятини янада оширади.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ДАВР НАФАСИ

3

2026 йил 28 октябрь, 223-сон

Давлатимиз раҳбари қай манзилга бормасин, кимлар билан учрашмасин, иқтисодиёт ва маънавият миллатнинг иккита қаноти бўлиши кераклигини қайта-қайта таъкидлаяпти. Бу йўналишда ўнлаб, юзлаб ташаббусларни ўртага ташлаётгани ҳам аён ҳақиқат.

МИЛЛАТ ОТАСИ

ёхуд Ўзбекистон Президенти қалбидаги орзу-армонлар ва ташвишлар ҳақидаги фалсафий эссе-достонни ўқиб...



Абдусаид КЎЧИМОВ,
сенатор

Бошланиши 1-бетда

Эсседа юртдошларимиз зеҳниятидаги мана шу мураккаб жараёнлар аниқ мисоллар воситасида юксак маҳорат билан талқин қилинган. Уларнинг моҳиятини англамоқ учун кўксингизда катта илму тафаккур дарёси баробарида чинакам ватанпарварлик туйғулари ҳам барқ урмоғи даркор.

2

Биз юз йилдан кўп вақт мобайнида қарамлик ва қуллик исканжасида яшадик. Шўро даврида шундай кунлар ҳам бўлдики, ҳовлимизда битта товуқхона қурмоқчи бўлсак ҳам марказнинг рухсатини сўрашга мажбур эдик.

Шу ўринда муаллиф асли келиб чиқиши қирғизистонлик бўлган АҚШлик тадқиқотчи Эрика Маратнинг “Совет даврида нафақат ошхона географияси, миллий уст-бошимиз ҳам марказдан “лойиҳалаштирилган”, “... ҳар бир республикага номини берган этник гуруҳга стандартлаштирилган “анъанавий” таомлар ва кийиниш турларининг муайян тўплами тепадан белгилаб берилган” деган сўзларини келтиргани беҳуда эмас.

Советлар замонида нафақат кийимкечак ёки қурилиш, балки оммани бошқариш учун “уни ажратиб, парчалаб бошқар”, деган қоида ҳукмрон бўлди. Шўро сиёсатида бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Грузия, Арманистон, Осетия, турклар халифат, хонлик, беклик эмас: Ўзбек**истон,** Қозоғ**истон,** Қирғиз**истон,** форс-тожикларни ҳам қўшиб, Тожик**истон** қилиб бир хил стандартлаштирилди.

Советча стандартлаштириш анъанаси неча-неча йиллар ўз таъсирини кўрсатди: ўша даврда қурилган бинолар архитектурасига бир қур назар ташлаган киши буни дарров англаб олади. Айниқса, 1966 йилги Тошкент зилзиласидан кейин қурилган иморатлар, улар Мустақиллик майдонида бўладими, Сергели, Чилонзор ёхуд Юнусобод мавзеларидами, бир инкубатордан чиққан жўжалар мисоли ўхшаш.

Шу ўринда сўнгги беш-ўн йилда бунёд этилган Янги Тошкент, Янги Самарқанд, Янги Андижон ёхуд ҳақиқий Шарқ меъморчилиги анъаналарини ўзида акс эттирган Тошкентдаги Ислом цивилизацияси марказию Самарқанд шаҳри ёнида қад ростлаган Имом Бухорий мажмуаси, Самарқанд аэропорти каби кошоналарни бир кўз олдингизга келтиринг. Қарангки, катта илҳом, бетакрор ижод маҳсули, ҳақиқий санъат асарлари шу заҳоти жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳурмату эҳтиром билан эътироф этилар экан. Улардан иккитаси зудлик билан Гиннеснинг рекордлар китобидан ўрин олди. Бу ҳар гал ҳам эътироф этиладиган ҳодиса эмас. Янги Ўзбекистон, Учинчи Ренессанснинг илк кўринишлари эмасми булар?! Ҳали бундай улуғвор мажмуалар кўплаб қурилади.

Хўш, қаёқдан пайдо бўлди бундай улуғвор ўзгаришлар? Қандай заминда дунёга келади бир-биридан муҳташам шаҳарлару қасрлар? Албатта, тинч ва осойишта мамлакатда. Мамлакат эса аслида катта оила. Оиладаги тинчлик ва осойишталикка ҳамиша оила бошлиғи — ота бош-қош. Демак, янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанс меъмори ҳам давлатимиз раҳбари. Мамлакатимиз етакчисининг каттаю кичик томонидан миллат отаси мақомида улуғланаётгани сабаби ҳам шунда.

Фақат шаҳар ёки туман марказларида эмас, олис-олис қишлоқларда ҳам улуғвор тарихий ўзгаришлар содир бўляпти. Уларнинг қай бирини тилга олишга шошиб қолади киши. Келинг, ўзим туғилиб ўсган Ургутга алоқадор воқеалардан бирини айтиб берай.

Бир маҳаллар қишлоғимизда колхознинг катта молхонаси бўлган. “Замонавийлаштириш” шиори остида чўпон-чўлиқларга осон бўлсин учун молхонадан чуқургача 25-30 қадам узунликда темир излар ётқизилган. Раҳматли отам оддий колхозчи бўлса ҳам ғурури баланд одам эди. Қишлоқ ва қишлоқдошлари шаъни учун қайғуришни ўзи учун шарафли бурч деб ҳисоблар ва мавриди келганда бошқалардан кам эмаслигини кўрсатиб қўйиш учун озгина лоф ҳам қўшиб юборарди.

Қиш кунларининг бирида ҳамқишлоқлар эшак-отларни йўрттириб, туманнинг нариги томонидаги овулга тўйга боради. “Бизнинг қишлоқда зўр мактаб қурилди”, деб мақтаниб қолади гурунг пайти мезбонларнинг “оғзи катта”си. “Э, ортда қолиб кетибсизлар-ку! — деб дарров жавоб қайтаради отам. — Анча бўлди бизнинг қишлоққа поезд келганига!”.

Тўйдан қайтаётганда ҳамқишлоқларимиз “Кўчимбой, лоф ҳам эви билан-да. Кўчангизда эшак арава аранг юради-ю, поезд дейсиз-а!” деб отамга танбеҳ бермоқчи бўлади. Шунда отам “Молхонадаги темир излар поезд йўли бўлмай, нима?” деб ҳаммани кулдиради.

Ўтган асрнинг 60-йилларидаги ҳангомалар бу. Қанча сувлар оқиб кетди ўшандан бери. Замонлар ўзгарди, советлар барҳам топди, мустақил бўлдик. Аммо атиги ўн йил аввал ҳам бу гапларга ҳеч ким ишонмас, “тушингни сувга айт”, деб масхара қиларди. Қаловини топса, халқ қалқса, асрларга татигулик ишлар бўлиши мумкин экан ўн эмас, икки-уч йил ичида ҳам. Ургут темир йўли бунга битта мисол. Йўл Ўзбекистон Президентининг 2023 йил 10 октябрдаги қароридан кейин режалаштирилди. 2025 йил 25 май куни ўтказилган тақдимотда эса давлатимиз раҳбарига мазкур йўлнинг 7 километрига темир из ётқизилгани тўғрисида ахборот берилди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас, 55 километр узунликдаги темир йўл қуриб битказилди. Одамларнинг кўз ўнгида афсоналар ҳақиқатга, эртаклар чинга айланди.

55 километр! От арава ёки машина йўли эмас, темир йўл! Яна қаерда? Мамлакатимизнинг Тожикистон билан чегарадош сарҳадида!

Бу йўл ишга туширилгани туфайли қанча одам ишли бўлгани, тожикистонлик неча юзлаб биродарларимиз ва сайёҳлар учун қулай шароитлар яратилгани, логистика имкониятлари кенгайгани, туманда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ташиш харажати камайгани, аҳолининг узоғи яқин бўлгани бир масала, темир йўл хосияти билан Ургутда янги шаҳар пайдо бўлаётгани эса ҳар қандай кўнгилни ифтихорга буркамай қўймайди.

Фақат Ургут эмас, Тошкент вилоятининг Паркент ва Бекобод туманларига, Хоразмнинг қадимий Хива шаҳрига ҳам поездлар борди қисқа вақт орасида.

Ургут — Самарқанд темир йўлининг очилиш маросимида Президентимиз иштирок этди. Биринчи поезднинг дастлабки йўловчилари сафида бўлганимдан ҳануз ғурурланаман. Поездда кетаётганимизда Шавкат Миромонович ўзига ярашаган табассум билан: “Ургутга жуда катта маблағ олиб келяпман, ҳали айтаман”, дегани эса ҳануз қулоғим остида жаранглаб турибди. Давлатимиз раҳбарининг ёқимли табассумида зоҳир бўлган сир меҳнаткашлар билан учрашувда аён бўлди — Ургутда юз минг кишилик янги шаҳар бунёд этилиши ҳақидаги хабар маълум қилинди! Юз минг! Чўтга солиб кўрсангиз, бу — дунё харитасидаги бутун бошли айрим мамлакатларнинг жами аҳолисидан зиёд.

Кўп ўтмай, Янги Ургут кўкка бўй чўза бошлади. 9, 12, 20 қаватли уйларга бирин-кетин бахтиёр оилалар кўчиб кираверди. Буям майли, 30-40 йил аввал биттагина винзаводию биттагина музқаймоқ ишлаб чиқариш цехи бўлган туманда бугун 400 хилдан ортиқ саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётганига нима дейсиз! Ўн йилда, бор-йўғи ўн йилда дунёга келди ва келаётир шуларнинг ҳамма-ҳаммаси!

3

Эссени ўқиётиб, ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг бир гапи ёдга тушди. Домла ўқувчилар билан ўтган учрашувларнинг бирида мустамлака масаласига тўхталиб, ички исёнини: “Биз ҳатто колонизатор-мустамлакачиларга ҳам ёлчимаган эканмиз”, дея ифода этади.

“Пахта кампанияси” дейилмиш аянчли манзаралар “ёлчимаганлик”нинг оғриқли манзараларидан яна биридир. Бу мавсумдаги азоб-уқубатларни бир эслайлик. Барча машмаша ҳамманинг кўзи олдида очиқчасига, тазйиқ билан, мажбуран амалга ошириларди. Ҳар йили минг-минг, ҳатто миллионлаб мактаб ўқувчилари, талабалар, ишчи-хизматчилар ойлаб ўқиши, ишидан ажратилган ҳолда қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилинарди. Қаршилик қилганларга иши ва ўқишидан ҳайдашга қадар жазо чоралари қўлланарди. Натижада ўқув дастурларини ўзлаштиролмаган минглаб чаласавод мутахассислар пайдо бўлар эди мамлакатда.

Миллион-миллион тонна пахта етиштирсак-да, пахтадан тўқилган оддий чит, сурп матоларига зор эдик. Шундай пайтлар бўлганки, майитнинг кафанига пахтадан тайёрланган 5-6 метрли оддий сурп ҳам маҳалла қўмитасига расман мурожаат қилинганидан кейин олинар эди. Дўконларда йўқ эди. Не-не машаққат билан Ўзбекистонда етиштирилган 4-5 миллион тонна пахта ҳосили Москвадаги “госплан” деган идорада тақсимланарди. Инсон қадри, инсон манфаатларига муносабат ана шундай ачинарли аҳволга тушиб қолган эди. Ҳатто Ўзбекистоннинг буюк ва қадрли биринчи раҳбари, Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамони Шароф Рашидов пахта йиғим-терими пайтида, далада жон таслим қилди.

4

Ҳа, олис тарихимизда ҳам, яқинида ҳам афсусланадиган, ўкинадиган нуқталар оз эмас. Халқимиз босқинлар, талон-тарожлар, қатағонлар остида азоб чекди. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ҳабиб Абдуллаев каби юзлаб буюк истеъдод эгаларини эҳтиётлаб, ҳимоя қила олмади. Ваҳоланки, эсседа қайд этилган машҳур қозоқ сиёсатчиси каби биз америкалик ёки германиялик, японияликларни (уларнинг ноёб қобилияти, истеъдодини тан олган ҳолда) орамиздан қидирмаймиз. Ўзимизнинг истеъдодларимиз бор, уларни асраб-авайлаб, исроф қилмай сақлаб қолсак, шунинг ўзи бас. Аллоҳга шукрлар бўлсинки, дид, фаросат жонимизда, қонимизда, онгимизда, ўзимизда етарли.

Президентимизнинг оқилона сиёсати туфайли тарихий фожиалардан қутулдик, миллий бойлигимиз — ноёб истеъдод эгаларини асраш, қўллаб-қувватлаш замонига етдик. Бугун барча соҳада бўлгани каби юксак истеъдод эгаларини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, ўсиб келаётган ёш ниҳолларни тарбиялаш борасидаги ибратли юмушлар оз эмас. Мамлакатимизда иқтисодиётни ривожлантиришга қанчалар эътибор берилса, илм-фан, ўқиш-ўргатиш, маънавият ва маърифатга ундан-да кўп диққат-эътибор қаратиляпти.

Давлатимиз раҳбари қай манзилга бормасин, кимлар билан учрашмасин, иқтисодиёт ва маънавият миллатнинг иккита қаноти бўлиши кераклигини қайта-қайта таъкидлаяпти. Бу йўналишда ўнлаб, юзлаб ташаббусларни ўртага ташлаётгани ҳам аён ҳақиқат.

Аслини олганда, мамлакат дегани ҳам каттакон рўзғор. Дастурхон тўкинлиги, оила бахти, унинг келажаги учун эса рўзғор каттакони — отаси қайғуради. Миллат тақдири учун эса давлатимиз раҳбари — миллат отаси қайғурмоқда...

5

Қудратилла Рафиқов ушбу эссе орқали биз — журналистлар, қалам аҳлига ҳам кўзгу тутди. Камчилигимиз, хижолат бўладиган жойларимиз кўплигини кўрсатди.

Айниқса, Президентимиз фаолиятини кенг оммага етказишдаги уқувсизликларимизни (бу масала тўғридан тўғри ўзимга ва касбдошларимга алоқадор бўлгани туфайли) мен ҳозирги долзарб юмушларнинг энг биринчиси деб биламан. Ўзбек тили луғатида “мадҳ” ва “маддоҳ” деган сўзлар мавжуд. Илдизи ўхшаш бўлса-да, бу сўзларнинг маъно-мазмуни айрича. Биз эса кўпинча “мадҳ”ни “маддоҳ”ликка айлантириб юборамиз. Гўё шундай қилсак, ёзганларимиз бекам-кўст бўладигандай. Бор, қилинган, қилинаётган ишларнинг моҳиятини кўрсатиб беришга эринамиз ёки салоҳиятимиз етмайди. Ёзганларимизда бир қоп ёнғоқ мисоли “шалдир-шулдир” гаплар кўпайиб кетади. Қилинаётган ишларни таҳлиллар асносида кўрсатишни эпломаяпмиз.

Яна бир тоифа ижодкор дўстларимиз эса “дунёни сув босса, ўрдакка не ғам” дегандек мудраб, уйқусираб юради. Ваҳоланки, мамлакатимизда адабиёт ва санъатга ҳеч қачон, шу сўзни яна бир карра такрорлайман, ҳеч қачон бугунгичалик ҳурмат-эҳтиром кўрсатилган эмас! Ҳар йили ўнлаб ёзувчи ва шоирлар, актёр ва бошқа санъаткорлар давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланяпти. Уларга уй-жойлар бериляпти, турли шаклларда ардоқланяпти. Аммо шундай ҳамкасбларимиз борки, жиллақурса ижтимоий тармоқларда фикр айтишни ҳам ўзларига эп кўрмайди. Масалага масъул ташкилотлар эса тадбирбозликлару учрашувбозликларга ҳаддан ортиқ кўп вақт сарфламоқда. Ваҳоланки, кўпайган матоҳ ҳамиша арзонлашади, қадрсизланади.

Мамлакатимиз ва дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни шарҳлаб берадиган институтлар, экспертлар, интеллектуал гуруҳларнинг овози ҳам сезилмайди. Интеллектуал доираларни, зиёлиларни, халқни ўйлаш, фикрлаш, хулосалар чиқариш, қалбларда қатланиб ётган дардларни уйғотиб юборишга ундовчи таҳлиллар оз, жуда кам.

6

Қудратилла Рафиқов бу асарида, ўз таъбири билан айтганда, икки “ялтироқ” сўз — “инқилоб” ва “ғурур” истилоҳларига изоҳ бериш орқали бугунги жамиятга кўзгу тутади. Инсон ва мамлакат тараққиёти учун тафаккур озодлиги қанчалар муҳим эканига урғу беради. Сизу бизни мулоҳаза юритиб, тафаккур қилишга ундайди. Ва сизу бизга гоҳида майда, аҳамиятсиздек бўлиб туюлган кичик нуқталар ортида ўта муҳим ҳаётий ҳақиқатлар ётганини таҳлил қилади. Айнан ана шу таҳлиллар фонида “инқилоб”, “ғурур” ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қиёфаси намоён бўлади.

Миллат яхлитлиги мужассамлашган мазкур учлик уйғунлашувида беихтиёр қалбингизга қулоқ тутасиз. Шу маҳалгача англамаётган кўп нарсаларни фаҳмлагандек бўласиз. Шу бутунликнинг бир ҳалқаси бўлишни кўнглингизга тугасиз.

Абдулла Қаҳҳор: “Мен катта-кичик деган нарсани тан олмайман. Наҳотки пахта учун кураш йирик бўлса-ю, бола тарбияси кичик...”, деб ёзган эди. Миллат, мамлакат тақдири ҳақида гап кетаётганда ёки йўловчи катта йўлга чиққанда майда масала бўлиши мумкинми?

Йўқ, албатта.

Жамият қачон ўзгаради? Уни ўзгартирадиган куч борми?

Албатта, бор. Бу — одам. Унинг тафаккури.

Инсон руҳиятидаги озодлик эпкинлари жамиятни ўзгартиради. Бунга ишонаверинг. Сўнгги ўн йилликда Ўзбекистон том маънода янги қиёфа касб этганининг туб илдизи ҳам шунда. Бу эврилишлар ўзўзидан бўлиб қолгани йўқ, албатта. Аммо, шундай бўлса-да, гувоҳмиз, ҳаммаси — беш, ҳаммаси жойида деб баралла айтишга ҳали бор.

Сабаб?

Сабабга ўтишдан аввал бобомерос қадим ривоятни эсланг: узоқ вақт қафасда сақланган қуш ниҳоят озодликка чиқади. Эшик очилади. Қушча панжара ортидангина кўрган, талпинган кенг осмон сари парвоз қилади. Аммо бир муддатдан кейин, не кўз билан кўрингки, яна қайтиб ўша ўзи ўрганган қафасга қайтиб киради...

Қудратилла Рафиқовнинг эсселарида акс этган оғриқли нуқта — баъзи одамлардаги ана шу “қафас соғинчи”.

Бир мисол. Бундан ўн йиллар олдин маҳалла фуқаролар йиғини идоралари пештоқида катта-катта ҳарфларда ёзилган бир хил шиорлар урф эди. “Шаҳар бедарвоза эмас!”. Айнан ушбу ёзувлар остида яна шундай битта даъват ҳам бўларди: “Ўз уйингни ўзинг асра!”.

Биринчи шиордан кўнглинг ғурурга тўлса, кейингисидан кўнгилга ғулғула тушарди. Бу “ақлли” шиор ва “даъват” бири бирини инкор қилиб тургани ҳеч кимни қизиқтирмасди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳокимиятга келгач, “Инсон қадри учун” деган ғоя ўртага чиқди. Бу шунчаки қоғозга ўралган қуп-қуруқ шиорнинг ўзи эмасди. Тез орада маҳаллаларимиз ҳаётимизнинг энг қайноқ нуқталарига айланди. Халқимизнинг ҳалоллиги, меҳнаткашлиги, энг оғир синовларни ҳам матонат билан енгиб ўта олишига тарих кўп бор гувоҳ бўлган. Шу жойда Қирғизистоннинг биринчи президенти Асқар Акаевнинг собиқ совет иттифоқи йиқилиб, минтақа давлатлари мустақилликни қўлга киритган илк йиллар ҳақидаги қуйидаги фикри ўта аҳамиятли: “... Ростини айтсам, 90-йилларда, президент бўлганимда, менда бир шубҳа бор эди: қирғизлар бозор механизмларини ўзлаштириб кета оладими, ўзбеклар билан рақобатлаша оламизми деб кўп ўйланардим. Чунки менинг назаримда бозор иқтисодиётига ўтишимиз билан ўзбек биродарлар бутун Марказий Осиёни эгаллаб, бошқарадигандек эди. Сабаби улар совет давридаёқ бунга тайёр бўлган. Аммо бизнинг Ислом Каримовдан миннатдор бўлишимиз керак. У киши ўзбекларни дунёдан ажратиб қўйди. Шу билан у қирғиз ва қозоқларга имконият яратиб берди. Шунинг учун Қирғизистонда Ислом Каримовга ҳайкал ўрнатган бўлардим. У бизга йўл очиб бергани учун қирғизлар бозор механизмларини ўзлаштириб олди. Агар рақобат бўлиб, Ислом Каримов Ўзбекистонни очиб қўйганда эди, мана, ҳозир Мирзиёев каби дунёга очилганда эди, биз улар билан рақобатлаша олмас эдик”.

Таниқли қозоқ шоири, давлат ва жамоат арбоби Ўлжас Сулаймонов эса ўтган аср бошларида бўлган очарчилик йиллари ҳақидаги сўзлари билан ўзбек халқи азалдан нақадар меҳнаткаш эканини улуғлайди. “Миллионлаб қозоқлар ҳаётнинг бу синовига дош беролмай, очликдан қирилиб кетди. Ён қўшнимиз ўзбеклар эса бу машаққатларни матонат билан енгиб, деярли талафот кўрмади. Улар меҳнаткаш, энг оғир дамларда ҳам яшаб қолиш йўлларини билади. Агар қозоқ халқи ўзбеклардан ўрганганда очарчилик йиллари бунча кўп қурбонлик бермаган бўлар ва бугун қозоқлар нуфуси ҳозиргидан бир неча миллион кўп бўларди, ҳозир ҳам ўзбеклардан ўрганиш керак...”, дея давом этади.

“Шавкат Мирзиёев инқилоби ёхуд мен Президентим билан нега ғурурланаман?” эссеси кишида ўз миллати ва Ватани билан фахрланиш туйғуларини кучайтиришга даъват этиши билан ҳам аҳамиятли.

7

Давлатимиз раҳбари халқимизга суяниб, унинг орзу-умидларини кўзлаб, туну кун меҳнат қилаётганини кўриб турибмиз. Ўзбек халқи эса Асқар Акаев, Ўлжас Сулаймонов таъкидлаганидек, ҳеч қандай қийинчилик олдида таслим бўладиган анойилардан эмас. Аксинча, унинг қонида яратувчанлик, бунёдкорлик ва бағрикенглик ҳар доим бўлган ва шундай бўлиб қолади. Ана шундай бунёдкор халққа муносиб йўлбошчининг борлиги Яратган Эгамнинг халқимизга чексиз марҳаматидан ўзга нарса эмас.

Сўнгги ўн йилда мислсиз ўзгаришларнинг гувоҳи бўлдик. Юз йилликлар давомида бунёдкор халқимиз йўли, онги, руҳига қўйилган тақиқ, тўсиқлар чилпарчин бўлди. Биз шуларни ўз кўзимиз билан кўрдик, таъбир жоиз бўлса, шуларнинг ичида бўлдик, яшадик.

Бир вақтлар бузиб ташланган бошқа йўллар ҳам тузатилди. Бир-бирига деярли бегоналашиб қолган минтақадаги беш давлат бир муштга айланди. Энди жаҳоннинг энг йирик давлатлари Марказий Осиё томон интилмоқда. Пул муаммоси бартараф қилинди. Ўз ойлигини ололмай, банклар атрофида саргардон кезинишлар тугади. Минглаб ишсизлар ишли бўлди. “Босмачи” деб ҳақоратланган халқ қаҳрамонлари ҳақида биринчи бўлиб роман ёзган Мамадали Маҳмудов каби ўнлаб беайб ижодкорлар озодликка чиқарилди.

Турли сабаблар билан чет элга кетиб қолган ва уруш ўчоқларида қийналган ватандошларимиз, уларнинг аёллари, болалари юртга олиб келинди. Адашганлар кечирилди, кечирилмоқда. Умуман, хорижда юрган ўзбекистонликларга Ватан дарвозалари катта очилмоқда.

Буларни санаб, саноғига етиш қийин.

Хўш, ким бундай ғамхўрлик қила олади?

Ота!

Мамлакат фуқароларини ўз фарзанди деб билгувчи ота.

Миллат отаси. Эл-юрт манфаати учун қайғурадиган сардорни оддий халқ “ота” деб улуғлаётганининг асл сабаби ана шунда. Ҳа, Президентимиз Шавкат Мирзиёев она халқининг иззат-икромига сазовор бўлди. Ота мақомига эришди.

Қудратилла Рафиқовнинг эссесини ўқир экансиз, беихтиёр кўнглингиздаги туйғулар тилингизга чиққанини билмай:

— Шавкат Мирзиёев — менинг Президентим!

— Шавкат Мирзиёев — миллат отаси! — деб юборганингизни сезмай қолишингизнинг сабаблари ҳам ана шунда — миллат отасига чексиз меҳр-муҳаббатингизда.

8

Талон-тарожлар, босқинлар, қирғинлар, қонхўрликлар авж олган, тинч мамлакатнинг осойишталигини кўролмайдиганлар томонидан қўни-қўшниларни бир-бирига гижгижлаш, тоза булоқларни лойқалатиш йўлида фитналар уюштирилаётган алғов-далғов замонда тарози палласини теппа-тенг ушлаб туриш ҳазилакам гап эмас. Мамлакат тинчлигини асраш учун одамда қанча қобилият, маҳорат, сиёсий ирода, ақлу заковат ва яна қанчадан-қанча инсоний фазилатлар бўлмоғи эса ёлғиз Яратганга аён. Зеро, бундай бебаҳо хислатлар кимда бўлади?

Отада! Меҳрибон ва жонкуяр отада!

Миллат отасида!

Афсуски, одам боласи яхшиликни тез эсдан чиқаради. Ютуқлардан суюниш ўрнига арзимас нарсалардан кир излайди. Қилдан қийиқ ахтарувчиларга инсоф ва диёнат тилаган ҳолда баралла овозда:

— Ўн йилда юз йиллик ютуқларга эришган Ўзбекистоннинг ҳар гўшаси ҳали афсонавий боғларга айланади. Бунинг учун ким эканимизни, ўзимизни, ўзлигимизни янада теран англамоғимиз лозим, — дегингиз келади.

Алқисса, Қудратилла Рафиқовнинг эссе-достонидан олган илк таассуротларимни миллатимиз отаси “Биз ўз меҳнатимиз, ақлу идрокимиз билан ҳаммани тан олишга мажбур қиламиз!” дея қайта-қайта такрорлаган даъвати асосида ёзилган шеърий сатрлар билан якунламоқчиман:

МАЖБУР ҚИЛАМИЗ!

Биз учун куйганни, куймаганни ҳам,
Меҳримиз туйганни, туймаганни ҳам,
Бизларни суйганни, суймаганни ҳам,
Юрак қўримиздан масрур қиламиз —
Бизни тан олишга мажбур қиламиз!

Лекин пашшага ҳам бўлмагаймиз ғов,
Бегона боғларда қилмагаймиз ов,
Фақир бўлса ҳамки, бўлса ҳамки ёв,
Маҳваш боғимизга манзур қиламиз,
Бизни тан олишга мажбур қиламиз!

Жаҳонни ўзига қаратган халқмиз,
Оламда шарафлар таратган халқмиз,
Иккита Ренессанс яратган халқмиз,
Ватанни ойдан-да машҳур қиламиз,
Бизни тан олишга мажбур қиламиз.

Биз кўрган, кўрмаган томонлар ҳаққи,
Тўзонли, тўфонли замонлар ҳаққи,
Жаҳонгир Туркистон, Туронлар ҳаққи,
Миллат кўкрагини мағрур қиламиз,
Бизни тан олишга мажбур қиламиз.

Тўғри, тинч бўлмади доим йўлимиз,
Туманли бўлди гоҳ ўнгу сўлимиз,
Ҳеч кимдан паст эмас, аммо қўлимиз,
Дилларни дилларга махмур қиламиз,
Бизни тан олишга мажбур қиламиз!

Бугун уйғонмоқда қадимий бўстон:
Янги Ўзбекистон — қудратли туғён —
Қудратли ҳар кўнгил, ҳар дил бир достон,
Туркистон уйғонди, уйғонди Турон,
Замину замонни мамнун қиламиз,
Бизни тан олишга мажбур қиламиз.

Дарёдил, шерюрак юртбоши билан,
Ўзбекнинг меҳрибон қуёши билан,
Қурдоши, қўлдоши, йўлдоши билан,
Жумлаи жаҳонни мафтун қиламиз,
Бизни тан олишга мажбур қиламиз!

Халқаро валюта жамғармаси ҳам Ўзбекистон иқтисодиёти учун талаб босимларини назорат қилиш, макромолиявий барқарорликни сақлаш ва хусусий сектор етакчилигидаги барқарор ўсишни кучайтириш муҳимлигини таъкидламоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 28 октябрь, 223-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Таҳлил



ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ ФОРМУЛАСИ



Зумрад ҒОЙИБНАЗАРОВА, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ҳар қандай мамлакат тараққиётини баҳолашда фақат бугунги статистик рақамларга қараб хулоса чиқариб бўлмайди. Чунки иқтисодиёт кеча эришилган натижалар, бугун амалга оширилаётган ислоҳотлар ва эртага белгиланган мақсадлар билан узвий боғланган мураккаб тизимдир. Шу маънода, Ўзбекистоннинг 2030 йилгача бўлган тараққиёт манзилига иқтисодий нуқтаи назардан қарасак, олдимизда турган вазифа ялпи ички маҳсулот ҳажмини шунчаки кўпайтиришдан кўра анча кенг эканини кўрамиз.

Гап, аввало, юқори қўшилган қиймат яратадиган, рақобатбардош, хусусий секторга таянадиган, замонавий технологиялардан фойдаланадиган ва инсон капиталига суянадиган иқтисодиётни шакллантириш ҳақида бормоқда. Бугунги иқтисодий кўрсаткичлар мамлакатда бундай ўзгаришлар учун муайян пойдевор шаклланганини кўрсатмоқда. 2026 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон иқтисодиёти 8,5 фоиз ўсди. Саноатда 8 фоиз, хизматларда 16,9 фоиз, қурилишда 13,8 фоиз, қишлоқ хўжалигида 4,7 фоиз ўсиш кузатилган. Бу рақамлар, шубҳасиз, иқтисодий фаоллик юқори эканини намойиш этади.

Ўзбекистон иқтисодиёти узоқ йиллар давомида давлатнинг иқтисодиётдаги юқори иштироки, ресурс ва хомашё омилларига катта таяниш, ички бозорнинг нисбатан ёпиқлиги ҳамда айрим тармоқларда рақобат имкониятлари чеклангани билан характерланди. Бундай модель муайян даврда иқтисодий ўсишни таъминлаши мумкин. Аммо замонавий дунё иқтисодиётида рақобат тобора кучайиб бораётган бир шароитда фақат ресурсларни кўпайтириш орқали юқори натижага эришиш қийин. Шунинг учун сўнгги йилларда иқтисодий сиёсатнинг мазмуни сезиларли даражада ўзгармоқда. Бозор механизмларини кучайтириш, хусусий мулк ва тадбиркорликни рағбатлантириш, валюта бозорини либераллаштириш, давлат корхоналарини трансформация қилиш, ташқи савдо ва инвестиция муҳитини яхшилаш каби йўналишлар иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим қисмларига айланди. Бу жараёнларнинг умумий мантиғи битта мақсадга бориб тақалади — иқтисодий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.

Президентимиз томонидан кейинги босқичдаги ислоҳотларда иқтисодиётни технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказиш, инвестицияларни илғор технологиялар трансфери, юқори қўшилган қиймат ва меҳнат унумдорлиги билан боғлаш вазифаси алоҳида таъкидланмоқда. Бу ёндашув иқтисодий сиёсатда муҳим бир бурилишни англатади: энди инвестициянинг ўзи эмас, инвестиция натижасида қандай технология, қандай маҳсулот, қандай унумдорлик ва қандай қўшилган қиймат пайдо бўлиши муҳим. Президентимизнинг 2026 йил учун белгилаган устувор вазифаларида ҳам ҳар бир инвестиция доллари илғор технологияларни олиб кириш, юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқариш, ресурслардан самарали фойдаланиш ва маҳаллий кадрларни янги технологияларга тайёрлашга хизмат қилиши зарурлиги қайд этилган. Демак, ислоҳотларнинг бугунги босқичи “кўпроқ маблағ”дан “кўпроқ самара”га ўтиш билан тавсифланмоқда.

Жаҳон банки таҳлилларида Ўзбекистон учун муҳим вазифалардан бири ўсишнинг инвестицияларга ҳаддан ташқари боғлиқлигини камайтириш ва умумий омиллар унумдорлигини ошириш экани қайд этилган. Бунда технология, бошқарув сифати, рақобат муҳити ва инсон капитали ҳал қилувчи омиллар сифатида намоён бўлади. Демак, кечаги тажрибадан



чиқадиган энг муҳим сабоқ — капитал ва ресурсларни кўпайтиришнинг ўзи етарли эмас. Бир хил ресурсдан кўпроқ иқтисодий натижа олишни ўрганиш керак. Бу эса унумдорлик масаласини иқтисодий сиёсатнинг марказига олиб чиқади.

2025 йилда Ўзбекистон иқтисодиёти реал ҳисобда 7,7 фоиз ўсди. 2026 йилнинг олти ойида эса иқтисодий ўсиш 8,5 фоизга тезлашди. Шу билан бирга, 2026 йил апрелида инфляция йиллик ҳисобда 7 фоизгача пасайди. Аҳолининг реал жами даромадлари биринчи чоракда 7,8 фоиз ўсди. Бу кўрсаткичлар иқтисодий ўсишнинг аҳоли турмуш даражасига таъсирини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга. Бироқ юқори ўсиш суръати автоматик равишда юқори сифатли ўсиш дегани эмас. Иқтисодиётнинг барқарорлиги учун ўсиш суръати билан бир қаторда инфляцияни назорат қилиш, бюджет ва ташқи балансни мустаҳкамлаш, аҳоли реал даромадларини ошириш, инвестициялар самарадорлигини таъминлаш каби вазифалар ҳам бир вақтнинг ўзида ҳал этилиши зарур.

Халқаро валюта жамғармаси ҳам Ўзбекистон иқтисодиёти учун талаб босимларини назорат қилиш, макромолиявий барқарорликни сақлаш ва хусусий сектор етакчилигидаги барқарор ўсишни кучайтириш муҳимлигини таъкидламоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги иқтисодий ўсишни эртанги тараққиётга айлантириш учун унинг манбалари ва таркибига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида мамлакатни узоқ муддатли тараққий эттиришнинг аниқ мақсадлари белгиланган. Жумладан, 2030 йилга бориб ялпи ички маҳсулотни 240 миллиард доллардан ошириш, аҳоли жон бошига ЯИМни 5,8 минг доллардан юқори даражага етказиш, йиллик инфляцияни 5 фоиз даражасида таъминлаш, давлат қарзининг ЯИМга нисбатини 50 фоиздан оширмаслик каби вазифалар белгиланган. Булар муҳим кўрсаткичлар. Аммо 240 миллиард доллар бу якуний натижанинг рақамдаги ифодаси, холос. Унинг ортида иқтисодиётнинг бутун тузилмасини ўзгартириш вазифаси турибди.

2030 йилга бориб иқтисодиётда нодавлат сектор улушини 85 фоизга етказиш, давлат иштирокидаги корхоналарни қисқартириш, банк тизимида хусусийлаштириш ва рақобатни кучайтириш, хорижий инвестицияларни жалб қилишни давом эттириш каби вазифалар белгиланган. Демак, 2030 йилнинг иқтисодий манзилини фақат ЯИМ ҳажми билан ўлчаб бўлмайди. Уни унумдорлик, рақобат ва инсон капитали каби учта муҳим мезон билан ҳам баҳолаш лозим.

Биринчи устувор вазифа — унумдорлик иқтисодиёти. Келгуси йилларда иқтисодий сиёсат марказида “кўпроқ ишлаб чиқариш” билан бирга “самаралироқ ишлаб чиқариш” тамойили ҳам туриши табиий. Бунинг учун технологик модернизацияни жадаллаштириш, саноатда юқори қўшилган қиймат занжирларини шакллантириш, илмий тадқиқот ва инновацияларга йўналтирилаётган маблағ самарадорлигини ошириш, рақамли технологияларни ишлаб чиқариш жараёнларига кенг жорий этиш талаб этилади. Айниқса, меҳнат унумдорлигини корхона ва тармоқлар кесимида мунтазам баҳолаш муҳим. Чунки замонавий иқтисодиётда “қанча маблағ сарфланди?” деган савол билан бирга, “сарфланган маблағ қанча қўшилган қиймат яратди?” деган савол ҳам қўйилиши керак. Бу ёндашув инвестиция сиёсати мазмунини ҳам ўзгартиради. Энди ҳар қандай йирик лойиҳанинг аҳамияти фақат унинг қиймати билан эмас, балки қанча янги технология, қанча юқори малакали иш ўрни, қанча экспортбоп маҳсулот ва қанча қўшилган қиймат яратаётгани билан ўлчаниши зарур.

Иккинчи устувор вазифа — хусусий сектор ва рақобат. Иқтисодиётда рақобат бор жойда янгиланиш тезлашади. Рақобат тадбиркорни харажатларни камайтиришга, маҳсулот сифатини оширишга, янги технологияларни жорий этишга ва истеъмолчи талабига мослашишга ундайди. Шунинг учун давлат иштирокини қисқартиришнинг ўзи якуний мақсад эмас. Асосий вазифа — давлат ва хусусий сектор ўртасидаги муносабатларни иқтисодий самарадорлик нуқтаи назаридан қайта қуриш. 2030 йилгача иқтисодиётда нодавлат сектор улушини 85 фоизга етказиш мақсади айнан шу жараённинг кўламини кўрсатади. Бу ерда хусусий секторни шунчаки иқтисодиётнинг бир қисми эмас, балки янги иш ўринлари, инновациялар, экспорт ва рақобатнинг асосий манбаларидан бири сифатида кўриш муҳим. Кучли хусусий сектор фақат кўплаб хусусий корхоналар дегани эмас. Бу бозор талабини ҳис қиладиган, технологияга сармоя киритадиган, маҳсулот сифатини мунтазам оширадиган ва ташқи бозорларда рақобатлаша оладиган миллий компаниялар тизимидир.

Учинчи устувор вазифа — инсон капитали. Иқтисодий тараққиётнинг энг катта ресурси ер остида ёки ер устида эмас. У инсоннинг билими, малакаси, тажрибаси ва янгилик яратиш қобилиятида мужассам. Технологиялар янгиланган сари меҳнат бозори ҳам ўзгаради. Кеча етарли бўлган касбий билим бугун талабни қондирмаслиги мумкин. Шунинг учун 2030 йилгача иқтисодий стратегияни таълим ва кадрлар сиёсати билан узвий боғлаш муҳим. Муҳандис, технолог, дастурчи, иқтисодчи, агроном, геолог, металлург ёки бошқа мутахассиснинг рақобатбардошлиги энди фақат диплом билан белгиланмайди. Унинг замонавий технологияни тушуниши, рақамли воситалардан фойдалана олиши, хорижий тажрибани ўзлаштириши, жамоада ишлаши ва янги ечим таклиф қила олиши тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу маънода, инсон капиталига инвестиция иқтисодиётга инвестициянинг энг узоқ муддатли шаклидир.

2030 йилгача белгиланган иқтисодий мақсадлар ишлаб чиқаришнинг ўзи билан чекланмайди. Стратегияда иқтисодиёт ва аҳоли учун етказиб бериладиган электр энергияси миқдорини 120 миллиард киловатт-соатдан ошириш, электр тақсимлаш тармоқларидаги йўқотишларни 9 фоизгача камайтириш каби вазифалар белгиланган. Бу рақамлар саноат тараққиёти учун энергетик инфратузилманинг қанчалик муҳим эканини кўрсатади. Чунки рақобатбардош саноат учун фақат заводнинг ўзи етарли эмас. Барқарор электр энергияси, замонавий логистика, рақамли инфратузилма, сифатли кадрлар ва самарали молиявий тизим бир-бирини тўлдириши керак. Экспорт масаласи ҳам шундай. 2030 йилга бориб хориж бозорларига 15 та миллий брендни олиб чиқиш мақсади мамлакат иқтисодиётининг оддий хомашё етказиб берувчидан тайёр маҳсулот ва брендлар яратувчига айланиш заруратини кўрсатади.

Бугун иқтисодий бошқарувда яна бир муҳим ёндашув шаклланмоқда: ҳужжат ишлаб чиқишнинг ўзи эмас, аниқ натижага эришиш. Ҳар бир ислоҳотнинг самараси аниқ кўрсаткичлар, муддатлар ва масъулият билан ўлчаниши керак. Чунки иқтисодиётда энг қиммат ресурс — вақт. Қабул қилинган қарор натижаси йиллар давомида кутилиб, кейин унинг самарасизлиги аниқланса, бу нафақат молиявий, балки имкониятлар нуқтаи назаридан ҳам катта йўқотишдир. Шу сабабли иқтисодий ислоҳотларни баҳолашда натижага йўналтирилган ёндашув тобора муҳим аҳамият касб этади. Масалан, янги корхона қурилгани эмас, унинг қанча маҳсулот ишлаб чиқараётгани, инвестиция жалб қилингани эмас, у қанча янги қўшилган қиймат яратаётгани, янги иш ўрни очилгани эмас, ушбу иш ўрнининг унумдорлиги ва даромад даражаси қандай экани муҳим. Бу иқтисодий тафаккурдаги жуда катта ўзгариш.

Хўш, 2030 йилгача бўлган иқтисодий тараққиётни қандай бир формула билан ифодалаш мумкин? Менимча, бу формулани “кўпроқ ресурс — кўпроқ ўсиш” тамойили билан чеклаб бўлмайди. Янги босқичда формула бошқача бўлиши керак: кўпроқ билим — юқори унумдорлик — кучли рақобат — юқори қўшилган қиймат — фаровон ҳаёт. Бу занжирнинг ҳар бир бўғини кейинги натижани белгилайди. Билим бўлмаса, технологияни ўзлаштириш қийин.

Бугунги рақамлар эртанги мақсадларга йўл кўрсатади. Аммо 2030 йилдаги иқтисодий манзилни рақамларнинг ўзи эмас, балки улар ортида турган янги иш ўринлари, янги технологиялар, янги корхоналар, янги экспорт бозорлари, юқори малакали кадрлар ва инсонлар ҳаётидаги реал ўзгаришлар белгилайди. Янги Ўзбекистон иқтисодиётининг келгуси босқичи ҳам айнан шунда ўсишдан унумдорликка, ресурсдан билимга, хомашёдан қўшилган қийматга, ички бозордан глобал рақобатга ўтишда намоён бўлади. Бу йўлда энг муҳим капитал эса инсоннинг билими, меҳнати ва яратувчанлик салоҳиятидир. Шу жиҳатдан қараганда, тараққиётнинг янги иқтисодий формуласи битта рақамга эмас, бутун бир янги иқтисодий тафаккурга таянади.



Ҳудудлар ҳаёти



ЖИЗЗАХ – ДУНЁ ИШОНЧ МАЙДОНИДА

Вилоят илк бор мустақил халқаро кредит рейтингига эга бўлди



Ойбек ҚЎШБОҚОВ, Парламент тадқиқотлари институти бўлим бошлиғи, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори

Янги Ўзбекистонда ҳудудларни комплекс ривожлантириш, ҳар бир вилоятнинг ўзига хос салоҳиятини тўлиқ ишга солиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Бу саъй-ҳаракатлар натижалари энди халқаро молия ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Fitch Ratings халқаро рейтинг агентлиги 2026 йил 16 октябрда Жиззах вилоятига хорижий ва миллий валютадаги узоқ муддатли эмитент дефолт рейтингларини “BB–” даражасида берди, прогноз “Барқарор”. Вилоят тарихида илк бор мустақил халқаро кредит баҳосини олди.

Халқаро кредит рейтинги ҳудуднинг молиявий ҳолати, мажбуриятларини ўз вақтида бажара олиш қобилияти ва иқтисодий барқарорлигига мустақил агентлик томонидан берилган баҳодир. Хорижий инвестор бирор ҳудудга маблағ киритишдан олдин, аввало, мана шу кўрсаткичларга эътибор қаратади. Шу маънода, Fitch баҳоси Жиззахнинг жаҳон миқёсидаги ўзига хос “ташриф қоғози” вазифасини ўтайди.

Вилоят рейтинги мамлакатимиз суверен рейтинги билан узвий боғлиқ. Fitch 2026 йил 3 июнда Ўзбекистоннинг суверен рейтингини “BB” даражасида тасдиқлаб, прогнозини “Барқарор”дан “Ижобий”га ўзгартирган эди. Агентлик бунда ислоҳотлар изчиллиги, бюджет тақчиллиги режадагидан камлиги, инфляция пасайиши ва халқаро захиралар ўсишини асосий омил сифатида кўрсатган. Халқаро амалиётда ҳудудий ҳокимият органлари рейтинги одатда давлат рейтингидан юқори бўлмайди. Жиззахнинг суверен даражадан бир поғона пастда туриши табиий ва асосли натижадир.

Эътиборли жиҳати, агентлик вилоятнинг молиявий профилини “АА” деб баҳолаган. Fitch методологиясида бу кўрсаткич ҳудуд қарз юкининг жорий даромадларга нисбатан қанчалик енгиллигини акс эттиради. “АА” эса шкаланинг юқори поғоналаридан бири. Демак, вилоят молияси бугун мустаҳкам асосга эга.

Fitch таҳлилчилари Жиззах иқтисодиёти республика ўртача кўрсаткичидан тезроқ ўсаётганини қайд этган. Расмий статистика ҳам буни тасдиқлайди. 2025 йилда вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти 8,2 фоиз ўсиб, Наманган вилояти билан бирга мамлакатдаги учинчи энг юқори натижани кўрсатди. Шу даврда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 7,7 фоиз ўсган.

Давлатимиз раҳбари раислигида 2026 йил 30 январда ўтказилган йиғилишда вилоятда сўнгги йилларда эришилган натижалар атрофлича таҳлил қилинди. Унда қайд этилишича, саноатнинг ҳудуд иқтисодиётидаги улуши 9,1 фоиздан 18,8 фоизга ошган, қишлоқ хўжалиги улуши эса 50 фоиздан 36 фоизга тушган. Саноат ишлаб чиқариши 1,9 баробар, хизматлар 1,6 баробар, экспорт 1,8 баробар ўсган. Вилоятга 1,4 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилинган, экспортчи корхоналар сони 160 тага етган.

Энг муҳими, ислоҳотлар самараси одамлар ҳаётида ўз аксини топмоқда. Мазкур даврда ишсизлик даражаси 4,9 фоиз бандга, камбағаллик 5,8 фоиз бандга қисқарган. Бу рақамлар ортида янги иш ўринлари, барқарор даромад манбаига эга бўлган минглаб оилалар турибди.

Президентимизнинг 2026 йил 30 январдаги “2026–2027 йилларда Жиззах вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори вилоят тараққиётининг янги босқичини белгилаб берди. Ҳужжатга кўра, икки йил давомида ялпи ҳудудий маҳсулотни йилига ўртача 8,5 фоиз, саноат ишлаб чиқаришини 7,8 фоиз, бозор хизматларини 13,2 фоиз ўстириш кўзда тутилган. 5 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб этилиб, 2026 йилда экспорт ҳажми 500 миллион долларга етказилади.

Қарор доирасида умумий қиймати қарийб 2,56 миллиард долларлик 99 та лойиҳа амалга оширилади. Улардан 39 таси тоғли, 60 таси чўл ҳудудларда жойлашган. Автомобиль саноати кооперацияси асосида камида 200 турдаги автокомпонент ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Жиззах шаҳри ва Шароф Рашидов тумани оралиғида Янги Жиззах шаҳарчаси ҳамда 10 километрли ҳалқа йўл барпо этилади.

Ижтимоий йўналишдаги вазифалар ҳам аниқ белгиланган. 2026 йилда вилоятда ишсизлик даражасини 3 фоизга, камбағалликни 2,8 фоизга тушириш, Жиззах шаҳри ва олтита туманни камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш мақсад қилинган. Чекка маҳаллаларда ижтимоий объектлар, йўллар, ичимлик сув ва канализация тармоқларини ривожлантириш учун 2026-2027 йилларда 40 миллион доллар эквивалентидаги маблағ йўналтирилади.

Халқаро рейтинг ҳудудга тўғридан тўғри сармоя олиб келмайди, аммо инвесторлар учун ишонч эшигини очади. Энди Жиззахнинг молиявий ҳолати тўғрисидаги маълумот халқаро молия институтлари, хорижий компаниялар ва банклар учун умумэътироф этилган тилда тақдим қилинмоқда. Бу йирик инвестиция лойиҳалари бўйича музокараларда вилоятнинг мавқеини мустаҳкамлайди.

Рейтинг ҳудудга янги масъулият ҳам юклайди. Агентлик баҳони мунтазам қайта кўриб чиқади. Эришилган даражани сақлаш ва келгусида ошириш учун маҳаллий бюджет шаффофлигини таъминлаш, маблағлардан самарали фойдаланиш ва қарз олишда қатъий интизомга амал қилиш талаб этилади. Мамлакатимиз суверен рейтинги ошган тақдирда вилоят учун ҳам юқорига ҳаракатланиш имконияти пайдо бўлади.

Жиззахнинг халқаро кредит рейтингини олгани юртимиздаги ҳудудий ислоҳотларнинг амалий самарасидир. Узоқ йиллар аграр вилоят сифатида танилган ҳудуд бугун саноат, экспорт ва инвестициялар марказларидан биридир. Энди асосий вазифа халқаро ишончни янги инвестициялар, янги иш ўринлари ва аҳоли турмуш фаровонлигига айлантиришдан иборат.

Нуқтаи назар

Бугун дунё тараққиёти суръати ишлаб чиқариш ҳажми, молиявий ресурслар ёки табиий бойликлар билан бирга маълумотни қанчалик тез, аниқ ва самарали бошқариш салоҳияти билан ҳам белгиланмоқда. XXI асрда рақамли технологиялар иқтисодиётнинг алоҳида тармоғи эмас, балки барча соҳаларни ҳаракатга келтирувчи янги инфратузилмага айланди. Шу маънода, рақамлаштиришни фақат компьютер, дастур ёки электрон хизматларни жорий этиш билан изоҳлаш тўғри эмас. У бошқарув маданиятини ўзгартириш, қарор қабул қилиш сифатини ошириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш, вақтни тежаш, шаффофликни таъминлаш ва энг муҳими, тараққиётнинг янги иқтисодий моделини шакллантириш демакдир.



Позилжон ОТАҚУЛОВ, Фарғона давлат университети молия-иқтисод ишлари бўйича проректори, доцент





РАҚАМЛАШТИРИШ – ЮҚОРИ САМАРАДОРЛИК, ШАФФОФ ВА ИННОВАЦИОН БОШҚАРУВ АРХИТЕКТУРАСИ

Мамлакатимизда кейинги йилларда-ги кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида рақамлаштириш ана шундай стратегик мазмун касб этмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, давлат бошқарувини замонавий талаблар асосида ташкил этишда рақамли технологиялардан фойдаланиш, инсон омили иштирокини қисқартириш, ортиқча бюрократик жараёнларни бартараф этиш ва давлат хизматларини аҳоли учун янада қулайлаштириш устувор вазифалардан бирига айланди. Бу борада белгиланаётган мақсадлар кўламига эътибор берсак, масаланинг нечоғлик муҳим эканини англаш қийин эмас. Электрон ҳукумат платформасини тубдан янгилаб, давлат хизматлари, минглаб функция ва вазифалар, юзлаб маълумотлар базаси ҳамда ахборот тизимларини ягона рақамли муҳитга интеграция қилиш вазифаси белгиланган. Бу эса давлат бошқарувида “маълумот — қарор — натижа” занжирини янги сифат босқичига олиб чиқишни англатади.

Энг муҳими, рақамлаштириш иқтисодиёт учун шунчаки техник янгилик эмас. У ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширадиган иқтисодий механизм. Масалан, бирор жараён қоғоз шаклида амалга оширилганда вақт, меҳнат, қоғоз, архив, транспорт ва бошқа харажатлар юзага келади. Шу жараён электрон шаклга ўтказилганда эса нафақат қоғоз, балки инсон меҳнати ва вақт сарфи ҳам қисқаради. Демак, рақамлаштиришнинг биринчи иқтисодий натижаси — харажатларни оптималлаштириш.

Иккинчи муҳим натижа — шаффофлик. Рақамли тизимдаги ҳар бир амалиёт, ҳар бир қарор ва ҳар бир ҳаракат муайян даражада электрон из қолдиради. Бу эса субъектив ёндашув, манфаатлар тўқнашуви, коррупциявий хавфлар ва яширин иқтисодий муносабатларнинг олдини олиш имконини кенгайтиради. Шу жиҳатдан рақамлаштириш иқтисодий бошқарув билан бир қаторда ҳалоллик ва институционал ишончни мустаҳкамлаш воситаси ҳамдир.

Учинчи жиҳат — тезкорлик. Анъанавий бошқарувда маълумотни йиғиш, саралаш, таҳлил этиш ва қарор қабул қилиш учун анча вақт зарур. Рақамли бошқарув эса маълумотларни реал вақтга яқин режимда таҳлил қилиш, муаммони олдиндан кўриш ва тегишли чораларни ўз вақтида белгилаш имконини беради. Бугунги рақобат муҳитида эса вақтнинг ўзи иқтисодий ресурсдир.

Тўртинчи жиҳат — маълумотнинг қиймати. Илгари корхона ёки муассаса учун ер, бино, техника, маблағ ва меҳнат ресурслари асосий ресурс сифатида кўрилган бўлса, бугун улар қаторига ишончли ва тизимлаштирилган маълумот ҳам қўшилди. Қайси йўналишда қанча ресурс сарфланмоқда? Қайси жараён самарали? Қайси харажатни оптималлаштириш мумкин? Қайси инвестиция кўпроқ натижа беради? Бундай саволларга аниқ рақамларсиз жавоб бериш қийин.

Шу боис, замонавий молиячи учун рақамлаштириш бухгалтерия дастури ёки электрон ҳужжат айланишидан анча кенг тушунча. У далилга асосланган молиявий бошқарув тизимидир. Ўзбекистонда рақамли иқтисодиёт жадал ривожланаётгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Расмий маълумотларга кўра, сўнгги беш йилда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ялпи қўшилган қийматнинг ўртача ўсиш суръати 24,8 фоизни ташкил этиб, ялпи ички маҳсулот ўсиш суръатидан 3,5 баробар юқори бўлган. Ахборот ва алоқа соҳасида иш билан таъминланганлар сони ҳам сезиларли кўпайган. Демак, рақамлаштириш энди келажакнинг мавзуси эмас, балки бугунги иқтисодий ўсишнинг муҳим омилларидан.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, рақамлаштиришнинг ҳақиқий самараси ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш ҳамда ушбу жараёнларни мувофиқлаштиришдан иборат.



Шу нуқтаи назардан, олий таълим тизимидаги рақамлаштириш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки университет фақат таълим берувчи муассаса эмас. У бир вақтнинг ўзида катта инсон капитали, молиявий ресурслар, моддий-техник база, ахборот оқими, илмий салоҳият ва бошқарув қарорлари жамланган мураккаб ижтимоий-иқтисодий тизимдир.

Фарғона давлат университетида рақамлаштириш масаласига айнан ана шу нуқтаи назардан ёндашилмоқда. Бугун ОТМда рақамли таълим технологияларини ривожлантиришга ихтисослашган алоҳида марказ фаолият юритмоқда. Унинг вазифаси таълим ва бошқарув жараёнларига технология сифатида эмас, инсон имкониятларини кенгайтирувчи восита сифатида ишлаши билан белгиланади. Технология инсон ўрнини босиш учун эмас, аксинча, унинг вақтини тежаш, қобилиятини очиш, қарор қабул қилишини енгиллаштириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш учун хизмат қилса, ҳақиқий тараққиёт омилига айланади.

Рақамли трансформациянинг энг катта иқтисодий фалсафаси харажатни эмас, натижани бошқаришдир. Масалан, таълим жараёнида бирор лабораторияга маблағ ажратишнинг ўзи ҳали натижа эмас. Натижа шу лабораториядан қанча талаба фойдаланди, қандай илмий ишланмалар яратилди, қандай лойиҳалар амалга оширилди, қандай мутахассислар тайёрланди, уларнинг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлиги қандай ошди деган саволларга жавоб билан белгиланади.

Бугун университетлар молиявий бошқарувига янги талаблар қўйилмоқда. Энди молия бўлими фақат ҳисоб-китоб юритувчи тузилма бўлиб қолмаслиги керак. Замонавий молия хизмати стратегик қарорлар учун таҳлилий марказга айланиши зарур. Шу маънода, Фарғона давлат университетида таълим, илмий фаолият, талабалар билан ишлаш, бошқарув ва молиявий жараёнларни бир-биридан алоҳида эмас, ягона рақамли экотизим сифатида кўриш муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, сунъий интеллектнинг кириб келиши бу жараённи янги босқичга олиб чиқмоқда. Бу ерда эътиборли жиҳат талабаларнинг Марказ таркибида дастурчилар, тизим ва тармоқ администраторлари, веб-дизайнер, контент-менежерлар ва бошқа мутахассислардан иборат жамоа шаклангани университет рақамли инфратузилмаси оддий техник хизмат кўрсатиш даражасидан институционал бошқарув босқичига кўтарилаётганини кўрсатади.

ОТМда рақамлаштириш фақат таълим билан чекланиб қолмаяпти. 2026/2027 ўқув йилига тайёргарлик жараёнида талабаларнинг турли масалалар бўйича электрон ариза топшириши, талабалар турар жойларига жойлашиш асносида рақамли платформалардан фойдаланиши каби имкониятлар кенгайди. Бундай ёндашув талаба учун вақт ва оворагарчиликни камайтирса, университет учун бошқарув жараёнини тартибга солиш, маълумотларни тизимлаштириш ҳамда ресурсларни самарали тақсимлаш имконини беради. Бунинг яна бир муҳим жиҳати бор: рақамлаштириш ресурсларни аниқ ҳисоблаш имконини оширади.

Сунъий интеллектни тайёр технология сифатида қўллаши эмас, балки унинг имкониятларидан фойдаланиб, янги ечимлар ишлаб чиқишга интилаётганидир. Чунки келажак иқтисодиётининг энг катта бойлиги технологиянинг ўзи эмас, аксинча, технология ярата оладиган инсон бўлади. Шу боис, университетнинг рақамлаштириш сиёсатида икки вазифа параллел равишда бажарилиши керак. Биринчиси, жараёнларни рақамлаштириш бўлса, иккинчиси рақамли иқтисодиёт учун янги авлод кадрларини тайёрлашдир.

Фарғона давлат университетида АТ, сунъий интеллект, ахборот тизимлари ва технологиялари, молия ва молиявий технологиялар каби йўналишлар ривожланиб бораётгани ана шу эҳтиёжга ҳамоҳанг. ОТМнинг вазифаси — рақамли технологиялардан фойдаланадиган мутахассис тайёрлаш билан бирга рақамли муҳитда иқтисодий фикрлай оладиган, маълумотни таҳлил этадиган, инновацион қарорлар қабул қиладиган ва ўз ғоясини маҳсулотга айлантирадиган инсон капиталини шакллантириш.

Ўзбекистоннинг АТ хизматлари ва дастурий маҳсулотлар экспорти қийматини 5 миллиард долларга етказиш, соҳада юз минглаб ёшни банд қилиш, электрон ҳукумат соҳасида етакчи мамлакатлар қаторига кириш каби мақсадлар фақат технологик инфратузилма баробарида янги иқтисодий тафаккур ҳам талаб этади. Бундай шароитда университетлар олдидаги вазифа янада масъулиятли тус олади. Чунки рақамли иқтисодиётнинг кадрлар базаси айнан олий таълим тизимида шаклланади. Дастурчи, иқтисодчи, молиячи, муҳандис, педагог, ҳуқуқшунос, журналист ёки файласуф, қайси касб эгаси бўлишидан қатъи назар, замонавий мутахассис рақамли саводхон бўлиши, маълумот билан ишлай олиши ва технологиянинг ижтимоий оқибатларини тушуниши зарур.

Шу ўринда рақамлаштиришнинг яна бир муҳим жиҳати — рақамли маданият масаласига тўхталиш лозим. Технология қанчалик кучли бўлмасин, ундан фойдаланадиган инсон масъулиятсиз бўлса, кутилган натижага эришиш имконсиз. Рақамли муҳитда ахборот хавфсизлиги, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, кибермаданият, академик ҳалоллик, интеллектуал мулк ва сунъий интеллектдан масъулиятли фойдаланиш масалалари аҳамияти тобора ошмоқда. Зеро, рақамлаштиришнинг энг катта хавфи — технологияни мақсад деб қабул қилиш. Аслида, технология — восита. Мақсад эса инсонга қулай, иқтисодий жиҳатдан самарали, шаффоф, адолатли ва рақобатбардош тизим яратишдир. Шу нуқтаи назардан, рақамлаштириш фақат техник ислоҳот эмас. У давлат бошқаруви, иқтисодиёт, таълим, илм-фан ва жамият ҳаётининг ички мантиғини ўзгартираётган тамаддуний жараёндир.

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида бу жараённинг стратегик аҳамияти шундаки, рақамлаштириш бизга ресурслари чекланган шароитда ҳам самарадорликни ошириш, инсон капиталига таянган иқтисодий ўсишни таъминлаш ва давлат хизматларини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш имконини беради.

Фарғона давлат университетида бу жараён таълим, бошқарув, талабалар билан ишлаш, инновация ва рақамли технологияларни ривожлантириш йўналишларида намоён бўлаётир. Бугун ОТМда жорий этилган ҳар бир замонавий рақамли ечим эртанги иқтисодиёт учун тайёрланаётган кадр, тежалаётган вақт, самарали бошқарилаётган маблағ, оширилаётган таълим сифати ва шаклланаётган янги тафаккурдир. Энг муҳими, рақамлаштириш инсонни тизимга мослаштириш эмас, тизимни инсон учун янада ақлли, тезкор, адолатли ва қулай қилиш тамойилига хизмат қилиши керак.

Янги Ўзбекистоннинг рақамли келажагини қуриш ҳақида гапирар эканмиз, унинг асосий пойдевори технология эмас, инсон эканини унутмаслик зарур. Зеро, энг замонавий дастур ҳам, энг кучли сунъий интеллект ҳам, энг мукаммал рақамли платформа ҳам одам манфаатига хизмат қилгандагина ҳақиқий иқтисодий ва ижтимоий қийматга айланади. Фарғона давлат университетининг бу жараёндаги вазифаси эса фақат рақамли технологиялардан фойдаланиш эмас, балки рақамли иқтисодиётни яратадиган, бошқарадиган ва унинг инсонпарвар мазмунини таъминлайдиган янги авлодни тарбиялашдир.

Фахр

ТАЪЛИМДАН ТОПИЛГАН ДАРОМАД – КЕЛАЖАККА ЭНГ ЯХШИ САРМОЯ



Гулзода ЭШОНҚУЛОВА, “Йил ўқитувчиси” танлови ғолиби

Янги Ўзбекистонда ўқитувчилик ҳақиқий маънода шарафли касбга айланди. Чунки мамлакатимизда инсон қадрини улуғлашга қаратилган сиёсат сабаб муаллимлар ҳуқуқи тикланиб, мақоми юксалди. Педагоглар таълимдан кўра кўпроқ қишлоқ хўжалиги ишларини бажарарди. Мажбурий меҳнатга тўлиқ барҳам берилгач, жамиятимизда устозларга муносабат тубдан ўзгарди. Қувонарлиси, таълимдаги ислоҳотлар изчил давом этмоқда. Масалан, жорий йилда “Йил ўқитувчиси” танлови ғолибларига 616 миллион сўмдан мукофот берилди. Очиғи, танлов ҳақида эшитишим билан унда иштирок этаман дея бел боғладим. Барча босқичдан муваффақиятли ўтиб, “Йил ўқитувчиси” деган шарафли номга эришдим. Шу тариқа бир йўла бериладиган 50 минг долларлик мукофотни қўлга киритдим.



Шунча катта пулни қўлга киритганимни эшитган танишларим табриклаш асносида уни нима учун сарфлашимга қизиқди. Шунда ҳеч иккиланишсиз жавоб бердим: “Давлатимиз раҳбари кенг имкониятлар тақдим этиб, яна маошимизни минг долларгача ошириб берди. Шундай экан, бунга мен ҳам ўз ҳиссамни қўшаман. Таълим туфайли топган пулимнинг бир қисмини китобхон ёшларни рағбатлантиришга сарфлайман”, дедим.

Мамлакатимиз катта марралар сари дадил одимламоқда. Таъкидланганидек, нотинч дунёдаги тинч Ўзбекистон учун ҳар лаҳза шукрона айтишимиз керак. Бу Ватан тараққиётига қўшган ҳиссамизда кўринади.

Кечагидай эсимда: 9-синфда ўқиётганимда синфдошларимиз билан бирга баъзи фанлардан қўшимча тайёрлана бошлаганмиз. Мен шуғулланиш учун кимё фанини танлагандим. Буни эшитган киши борки, “Шифокор бўласанми?” дея сўрарди. Лекин ниятим муаллим бўлиш эди. Чунки ўша вақтларда мактабимизда ўқитувчи етишмаслиги сабаб кимё фани ўтилмасди. Қачонгача кимёга қизиқадиган ўқувчилар бошқа ҳудудга қатнаши керак дея ўйлардим. Шу тариқа олийгоҳда кимё йўналиши бўйича ўқидим. Ўқишни тамомлагач, орзу қилганимдек, ўзим ўқиган Кўкдала туманидаги 5-мактабда иш бошладим.

Очиғи, илк бор мактабга ишга келганимда катта ойлик маош оламан дея хаёл қилганман. Маошим чиққач, қарасам, бир миллион сўмга ҳам етмади. Лекин аҳдимдан қайтмадим. Президентимиз ўқитувчиларнинг ойлик маоши минг доллар бўлиши ҳақидаги гапларни айтгач, ишимга қизиқишим янада ортди. Астойдил ҳаракатни бошлаб юбордим. Интилишларим зое кетмади. Аста-секин устамаларни қўлга киритиб, маошим ошиб борди. Бу жараёнда ўқувчиларимнинг ҳам ютуқлари кўрина бошлади. Илгари тиббиёт йўналишига қизиқмаган битирувчилар кимёдан жиддий тайёргарлик кўриб, тиббиёт олийгоҳига ўқишга кирадиган бўлди. Маошим эса минг доллардан ошди. Ўтган ўқув йилидан бошлаб эса икки минг доллардан зиёд ойлик маош оладиган бўлдим.

Бир пайтлар кўкдалалик ёшлар айрим фанларни дуруст ўқимай, мактабни тамомларди. Аввал айтганимиздек, ўқитувчилар етишмасди. Моддий қўллов ҳам, ижтимоий ҳимоя ҳам йўқ эди. Шу боис, бу соҳага қизиқиш кам эди. Ҳозир Кўкдалада ҳам ўқитувчи бўламан дейдиган ёшлар сафи кенгайиб бормоқда.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Муҳими, Кўкдала янги туман этиб белгиланиб, ҳудудга янги ҳаёт нафаси кириб келди. Замонавий мактаб ва боғчалар қурилди. Шифохоналар бунёд этилиб, иқтисодий-ижтимоий масалалар ҳал қилинди.

Президентимизнинг Қашқадарё вилоятига ташрифи эса ана шу ислоҳотларга янада кўтаринки руҳ берди. Масалан, замонавий, барча шароитга эга Янги Қарши шаҳри бунёд этиладиган бўлди. Бундан барча ҳамкасбларимиз қувонди. Болаларимиз учун янги шаҳардан уй олишни ният қилдик. Яна бир олис туман — Деҳқонобод ҳам келгусида янгича қиёфа касб этади. Минглаб иш ўринлари очилади. Буларнинг барчаси халқимиз фаровонлиги, фарзандларимизнинг юксак салоҳиятли инсонлар бўлиб вояга етишига хизмат қилади.

Фитратнинг миллатни уйғотишга интилишини тушуниш учун унинг асарларига ўша давр шароитида назар ташлаш керак. У ўз жамияти имкониятларини ҳам, тараққиётга тўсқинлик қилаётган иллатларини ҳам кўрган. Энг муҳими, мавжуд аҳволни ўзгартириш мумкинлигига ишонган.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН


2026 йил 28 октябрь, 223-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Абдурауф Фитрат таваллудининг 140 йиллигига

Маърифатга тикилган умр

XX аср бошларида Бухорода туғилиб, шу ерда улғайган бир йигитни ўз юртининг аҳволи тобора кўпроқ ўйлантира бошлайди. Нега асрлар давомида илм-фан ва маданият марказларидан бири бўлган Бухорода замонавий таълим кенг ёйилмаяпти? Нега дунёнинг бошқа мамлакатларида саноат, техника ва илм-фан ривожланаётган бир пайтда бу ерда эски тартиблар ҳукмрон? Нега жамиятнинг келажагини белгилайдиган масалаларда халқнинг ўзи деярли иштирок этмайди? Бу саволлар кейинчалик Абдурауф Фитратнинг бутун ижодий ва ижтимоий-сиёсий фаолиятини белгилаб берди.



Фитрат яшаган даврда Бухоро амирлигида таълимнинг асосий қисми анъанавий мактаб ва мадрасаларда олиб борилар, дунёвий фанларни ўқитиш имкониятлари чекланган эди. Давлат бошқарувидаги қолоқлик, амалдорлар ўзбошимчалиги, иқтисодий турғунлик жамият тараққиётига тўсқинлик қиларди. Фитрат бу муҳитни ичкаридан биларди. У Бухородаги анъанавий таълимни олган, кейинчалик Истанбулда таҳсил кўриб, Усмонли давлатидаги ислоҳотчилик ҳаракатлари ва замонавий фикрий оқимлар билан яқиндан танишган эди. Ана шу тажриба унинг ўз юртига муносабатини бутунлай ўзгартирди. У Бухоронинг муаммоларини дунёнинг бошқа жамиятларида кечаётган ўзгаришлар билан қиёслаб баҳолай бошлади.

1911 йилда нашр этилган “Мунозара” асарида Фитрат Бухородаги таълим тизимини баҳс майдонига олиб чиқди. Асарда анъанавий мактаб тарафдори бўлган мударрис билан янги усулдаги таълимни ёқловчи ҳиндистонлик ўртасидаги суҳбат орқали жамиятдаги муҳим зиддиятлар очиб берилади. Фитратнинг асосий эътибори ўқитиш усулларини ўзгартиришга қаратилган бўлса-да, у кўтарган масаланинг кўлами анча кенг эди. Чунки таълим қандай бўлса, жамиятда шаклланадиган фикрлаш тарзи ҳам кўп жиҳатдан шунга боғлиқ. Ўз ҳақ-ҳуқуқини англайдиган, дунёдаги ўзгаришлардан хабардор, мустақил мушоҳада юрита оладиган авлодни тарбиялаш учун мактабнинг ўзи ҳам ўзгариши зарур эди.

Фитратнинг кейинги фаолиятига назар ташласак, унинг нима учун адабиёт, тилшунослик, драматургия, таълим ва сиёсат билан бир вақтнинг ўзида шуғулланганини тушуниш мумкин. У жамият муаммоларини бир-биридан ажратиб қарамаган. Мактабдаги таълим, оиладаги тарбия, тилнинг мавқеи, давлат бошқаруви ва миллатнинг сиёсий онги ўзаро боғлиқ эканини англаган. Шунинг учун бир асарида оила ва фарзанд тарбияси ҳақида фикр юритса, бошқасида мамлакатни идора қилиш тартибларини танқид қилган, яна бирида халқнинг тарихий хотираси ва миллий ўзлигини англаш масаласини кўтарган.

Фитратнинг миллатни уйғотишга интилишини тушуниш учун унинг асарларига ўша давр шароитида назар ташлаш керак. У ўз жамияти имкониятларини ҳам, тараққиётга тўсқинлик қилаётган иллатларини ҳам кўрган. Энг муҳими, мавжуд аҳволни ўзгартириш мумкинлигига ишонган. Унинг бутун фаолиятида шу ишонч сезилади: халқнинг келажаги ҳақида қайғуриш бугунини танқидий баҳолашдан, камчиликларини очиқ айтишдан ва уларни бартараф этиш йўлларини излашдан бошланади.

2026 йил 27 октябрь куни Абдурауф Фитрат таваллудининг 140 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ташкил этилган тадбирда унинг меросига яна бир бор мурожаат қилиш учун рад этиб бўлмас асослар бор. Чунки Фитрат қолдирган китоблар фақат ўтмишда қандай яшаганимиз ҳақида маълумот бермайди. Уларда жамият қай тарзда ривожланиши, таълим инсонни қандай тарбиялаши, зиёлининг халқ олдидаги масъулияти нималардан иборат бўлиши ҳақида ҳозир ҳам муҳокама қилишга арзийдиган ўткир фикрлар мавжуд. Уларнинг қайсилари ўз даври билан бирга тарихда қолгани, қай бири бугун ҳам аҳамиятли эканини аниқлаш эса Фитрат ижодини қайта ва қайта ўқишдан, уқишдан, ўрганишдан бошланади.

Тадбир давомида анжуман иштирокчилари эътиборига филология фанлари доктори, профессор Бегали Қосимовнинг Абдурауф Фитрат ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган муаллифлик фильми намойиш этилди. Фильм орқали адибнинг мураккаб ҳаёт йўли, маърифатпарварлик фаолияти ва миллий адабиётимиз тараққиётига қўшган беқиёс ҳиссаси ёритилган.






Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид, филология фанлари докторлари, профессорлар Ҳамидулла Болтабоев, Нурбой Жабборов, Узоқ Жўрақулов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, ёзувчи Олим Тошбоев, Орзигул Ҳамроева маърузалари билан иштирок этди. Нотиқлар Фитратнинг адабиёт, тилшунослик, драматургия, тарихшунослик ва мусиқашунослик соҳаларидаги хизматлари, унинг миллий тафаккур ривожига қўшган ҳиссаси ҳамда ижодий меросининг бугунги аҳамияти хусусида фикр юритди.

Озарбайжон Миллий илмлар академияси Низомий Ганжавий номидаги Адабиёт институти бош илмий ходими, филология фанлари доктори, профессор Яшар Қосимбейлининг видеотабриги анжуманнинг халқаро аҳамиятини оширди. Ушбу иштирок Фитрат мероси нафақат Ўзбекистонда, балки қардош халқлар адабий ва илмий муҳитида ҳам эътиборга молик эканини намоён этди.

Тадбир дастуридан Фитратнинг адабий, илмий ва маърифий мероси, миллий уйғониш ҳаракатидаги иштироки, шунингдек, адибнинг “Танланган асарлар” тўплами ҳамда ёзувчи Олим Тошбоевнинг “Фитрат” романи муҳокамаси ўрин олди.



— Адабий-маърифий анжуман доирасида Ўзбек давлат драма театри ижодкорлари томонидан “Туркистон болалари” саҳна асаридан парча намойиш этилди, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Минҳожиддин Мирзо. — Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби ўқувчилари адиб шеърларидан намуналар ўқиди. Бу бадиий чиқишлар Фитрат ижодининг нафақат илмий-адабий, балки эстетик ва тарбиявий қудратини ҳам намоён этди.

Анжуманда ёзувчи Олим Тошбоев Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳомийлигида нашр этилган “Фитрат” романи ҳақида сўз юритди. Профессор Орзигул Ҳамроева эса адибнинг “Танланган асарлари” тўпламига хусусида фикрларини баён этди. Мазкур нашрлар Фитратнинг бой адабий меросини кенг китобхонлар оммасига етказиш, асарларини янада чуқурроқ ўрганиш йўлидаги муҳим қадамлардан ҳисобланади.

— Бугун Фитратни ўқишга қизиқиш ортиб бораётган бўлса, бу қизиқишни пухта илмий тадқиқотлар билан таъминлашимиз керак, — дейди ёш шоир, “Гулистон” ва “Театр” журналлари бирлашган таҳририяти мухбири Баҳодир Жовлиев. — Масалан, унинг таълим ҳақидаги қарашларини ўрганаётган тадқиқотчи фақат бирор асари билан чекланиб қолмай, ўша даврдаги мактаблар аҳволи, жадидларнинг таълим дастурлари ва уларга қарши билдирилган фикрларни ҳам таҳлил қилиши лозим. Шунда Фитратнинг қайси таклифлари ўз даври учун янгилик бўлгани, қайсилари кенгроқ ислоҳотчилик ҳаракатининг таркибий қисми экани ойдинлашади.

Қатағон қурбони бўлган Фитратнинг ҳаёти ва тақдири миллат маънавияти йўлидаги фидойилик, эркин фикр ва маърифат учун курашнинг аччиқ сабоқларини ўзида мужассам этади. Унинг асарлари бугун ҳам миллий ўзлик, Ватан тақдири, инсон қадри ва тараққиёт ҳақида мушоҳада юритишга ундайди.

Абдурауф Фитрат таваллудининг 140 йиллигига бағишланган анжуман улуғ адиб хотирасини эъзозлаш, илмий-ижодий меросини янги авлодга етказиш ва миллий адабиётимиз тарихидаги ўрнини янада чуқур англаш йўлидаги муҳим маънавий тадбир бўлди.

Азизбек ЮСУПОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Муносабат

2017 йили давлатимиз раҳбари таниқли ижодкорлар ва зиёлилар билан ўтказилган учрашувда кинонинг ёшлар тарбиясидаги, маданиятини шакллантиришдаги ўрнини юқори баҳолаб, муҳимлиги бўйича бу соҳа ҳаттоки мудофаа масаласи билан тенг ёхуд ундан-да баланд эканини таъкидлаган эди. Биз, киноижодкорлар ўшандаёқ бу эътирофдан руҳланиб, олдимизга катта-катта мақсадларни қўйганмиз.

МЕҲНАТИНИНГ ҚАДРЛАНИШИ ИЖОДКОР УЧУН КАТТА БАХТ



Зулфиқор МУСОҚОВ,
кинорежиссёр

Куни кечаги учрашув эса соҳа тарихида яна бир янги босқичга йўл очди десак, хато бўлмайди. Таъкидлашни истардимки, учрашувнинг ниҳоятда самимий ва кўтаринки кайфиятда ўтгани ҳам иштирокчиларни баракали ижодга руҳлантиргани аниқ. Турфа фикрлар, уларга жавобан Президентимиз томонидан билдирилган илиқ муносабат — умуман, ҳамма-ҳаммаси жуда табиий ва ўз ҳолича кечди.

Менга билдирилган ишонч ва тақдим этилган мукофотга келадиган бўлсам, рости, бундай эътибор учун миннатдорлигимни сўз билан ифодалашим осон эмас. Мен 45 йилдан буён яшаб келаётган ҳозирги уйимга икки йигит келиб, “Тайёр бўлиб туринг, чиройли кийиниб олинг”, деганида ҳам янги уйга эга бўлишим хаёлимнинг бир четига келмаган эди.

“Қаерга борамиз?” десам, “Борганда биласиз”, дейишди. Аёлим билан машинага ўтирдик. Қарасам, мен ўйлагандан бутунлай бошқа томонларга қараб кетаётган эдик. Манзилга етиб борганимизда, не кўз билан кўрайки, Янги Тошкентдаги “Шарқ баҳори” турар жой мажмуасидан менга 3 хонали уй берилибди. Меҳнатим ва ижодимни қадрлаб, уч хонали уй совға қилгани учун Президентимизга ўзим ва оилам номидан чин қалбимдан раҳмат айтаман.

Аслида, ижодкор учун энг катта бахт унинг қилган меҳнати қадр топиши, яратган асарлари одамларга керак бўлишидир. Шундай бўлса-да, давлатимиз раҳбари азалдан ижодкорнинг ўз бошпанаси ва етарли шароити бўлиши зарурлигини, шундагина сара асарлар туғилишини айтиб келади. Кўплаб ижод аҳли вакиллари, хусусан, ёзувчилар солиқдан озод қилиняпти ҳамда уй билан таъминланяпти. Албатта, бу — катта бахт. Зеро, уй инсон учун фақат бошпана эмас, балки хотиржамлик, файз ва янги ижод учун илҳом манбаи ҳамдир. Шундай актёрларимиз, режиссёрларимиз, ёзувчиларимиз борки, улар бутун умрини мана шу соҳага бағишлаган. Масалан, мен ҳам ўзимни кино олишдан бошқа ишда тасаввур қилолмайман. Бутун умр шу соҳада ишладим. Шу маънода, янги уй менга катта қувонч улашиш билан бирга зиммамга янада катта масъулият юклади.

Бундай алоҳида эътиборни фақат ўзимгагина эмас, балки бутун ўзбек кино санъатига ҳурмат деб қабул қиламан. Бу ўша “Абдуллажон”, “Осмондаги болалар”, “Новда” каби халқ севган фильмлардаги барча қаҳрамонлар ва ижодкорларнинг ютуғидир. Аввало, ўша асарлар сабаб мен бугун давлат раҳбари ҳурматига сазовор бўлиб турибман. Тўғри, ҳали юртдошларимизга айтадиган гапларим, суратга оладиган фильмларим ва бу борадаги истиқболли режаларим бор. Қолаверса, учрашувда киноиндустриямизни ривожлантириш борасида қатор вазифалар белгилаб берилди. Шулардан келиб чиққан ҳолда, қўлимдан келганича ўзбек киносига, халқимиз маънавиятига хизмат қиладиган асарлар яратишга ҳаракат қиламан.

Давлатимиз раҳбари кинематография соҳаси ходимлари билан учрашиб, тизимдаги ишлар ва келгуси режаларни муҳокама қилаётгани ортидан бугун мазкур санъат тури қандай ривожланиш палласида экани ҳамда унинг истиқболи ёруғлигига яна бир бор гувоҳ бўляпмиз. Президентимиз жон куйдириб, миллий кино саноатини юксак довонларга олиб чиқиш мақсадида ижодкорларга зарур шароитларни яратиб беряпти. Ҳатто ёш истеъдодлар ҳам давлатимиз раҳбарининг эътиборида.

ЮРТИМИЗ ИСТЕЪДОДЛАРГА БОЙ



Алишер УЗОҚОВ,
актёр, режиссёр

Ўтган йили ташкил этилган Болалар контентини ривожлантириш маркази қисқа муддатда улкан лойиҳалари билан майдонга чиқди. Болаларнинг тарбияси ва соғлиғига салбий таъсир этадиган контентни таҳлил қилиш, ўғил-қизлар учун фойдали, ўзбек тилидаги сифатли контент ҳажмини ошириш, фарзандларимизнинг миллий қадриятлар ва маданий меросга ҳурматини кучайтириш, соҳага етук кадрлар тайёрлаб бериш ва бошқа қатор вазифаларни бажаришга киришган марказ ташкил этилганда биринчилардан бўлиб таклифларимни билдирган эдим.

Чунки сўнгги йилларда соҳадаги оқсаш айнан мана шу йўналишда бўлиб, вазиятни ўнглаш зарурати кечиктириб бўлмас даражада эди. Шу юртнинг бир фуқароси, қолаверса, актёр ва режиссёр сифатида бу хайрли ишга ҳиссамни қўшишни истадим. Марказ билан ҳамкорликда “Чемпион” фильмини суратга олдик. У биринчи тўлиқ метражли бадиий фильм ҳамда долзарб ғоя, муҳим мавзуга бағишланган. Болалар ва оилавий аудиторияга мўлжалланган, болалик орзулари, мақсад сари интилиш ва спорт мавзулари ёритилган. Лойиҳа болаларнинг спортга қизиқишини ошириш, орзу-интилишларини қўллаб-қувватлаш ҳамда миллий болалар киноси ривожига ҳисса қўшишга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.

Болалар контентини ривожлантириш марказида бу каби жуда кўп лойиҳалар ишга туширилган. Улар орасида “Ўғилой”, “Серсавол” лойиҳалари, “Сеҳрландия” ва бошқа тўлиқ метражли мультфильмлар, ёш болаларга йўл қоидаларини ўргатадиган “Устоз Типрабек” каби мультисериаллар бор. Яратилган шароит ва имкониятлар туфайли бугун болаларимизга бемалол, хотиржам ўзимизнинг контентларни кўрсата оладиган даражага етиб келдик.

Учрашувда илгари сурилган Ёш ижодкорлар мактаби платформасини яратиш, уни Тошкент тажрибаси сифатида қўллаш ташаббуси яқин келажакда самара беришига аминман. Менга ҳам юксак ишонч билдирилиб, ушбу ташаббусни ҳаётга татбиқ этиш масъулияти зиммамга юкланди. Аввало, Президентимизнинг бу топшириғидан жуда руҳландим. Қолаверса, бу йўналишни, яъни санъат соҳасида ёш истеъдодлиларни кашф этишни ўзим ҳам яхши кўраман. Менга айнан мана шу йўналишда топшириқ берилгани бежиз эмас. Давлатимиз раҳбари ёшлар билан ишлаш борасидаги тажрибамдан хабардор экан. Бир неча йил аввал The Cover Up, Top Music каби қатор мусиқий лойиҳаларда ёшлар билан ишлаганман.

Бу йўналишни қандай тасаввур қиляпман?

Насиб этса, Ёш ижодкорлар мактаби нафақат кино, балки мусиқа, театр актёрлари, дубляж усталари, эстрада ва мумтоз ашулачилик йўналиши хонандалари, умуман, санъат истеъдодларини кашф этади. Чунки юртимизда улар жуда кўп.

Давлатимиз раҳбарининг “Керак бўлса, Голливудга олиб бориб ўқитиб келишга ҳам тайёрман, булар Голливудда Ўзбекистон байроғини ҳам кўтаради”, деган рағбати эса истеъдодлиларни юзага чиқариш йўлидаги ҳар қандай машаққатни енгиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-1046.
29213 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Азизбек Юсупов
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълонлар бўлими: (71) 233-70-98
E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05
Девонхона ва ишонч телефони: (71) 233-56-60

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 00:15 Топширилди — 01:50